



Кириш

Бугун шундай даврда яшаяпмизки, кўпчилик ўз тарихини билмайди, билса ҳам унинг оз кисмидан хабардор холос.

Ўз жонлари ва молларини ушбу пок ва гўзал дин даъвати йўлида фидо килган одамларнинг жасоратлари, шонли тарихлари вақт чанги коплаган китобларда қолиб кетмоқда. Бирок биз, яъни келажакка умид билан боқаётган авлод ўз тарихимизни яхши билишларимиз керак. Тарихида не-не буюк давлатлар, канчадан-канча жасур подшоҳлар ва лашкарбошилар ўтгани хақида қарийб ҳеч нарса билмаймиз. Андалус ҳам ана шундай давлатлардан бири бўлиб, мусулмонлар ушбу мамлакатда саккиз юз йилдан зиёд давр мобайнида ҳукмдорлик килган.

Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик ҳукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия Мусо Нусайя ва унинг мавлоси Торик ибн Зиёд томонидан хижрий 92 (милодий 711) йилда фатх этилди ва бу икки давлат фатхдан сўнг араб тилида битта ном билан «Андалусия» деб атала бошланди. Андалусия Ислом халифалиги даврида ниҳоятда гуллаб-яшнаган, Куртуба (Кордова), Ишбилия (Севиля), Гарнота (Гарнота) каби ўлкалар илм-фан, маданият, савдо-сотик соҳасида факат Бағдод ва Кустантаниядангина орқада бўлган.

Андалусияда гўзал шаҳарлар, мухташам масжид ва касрлар барпо этилган, хунармандчилик ривожланган. Андалусиядан донги дунёга кетган Имом Куртубий, Ибн Арабий, Ибн Хазм, Ибн Рушд, Абу Хаййон, Ибн Атийя каби олимлар етишиб чиққан. Андалусияда исломий китобларнинг улкан хазиналари жамланган, исломий билимлар юксак даражада ривожланган эди. Бу ерда барпо этилган ва Ислом меъморлигининг шох асарлари саналган Аз-Захро, Ал-Хамро каби мухташам ва фусункор касрларни халигача бирор миллат ёки давлат кура олгани йўқ.

Насронийлар хижрий 635 (милодий 1236) йили Куртубани, 646 (милодий 1248) йили Ишбилияни босиб олиб, барча мусулмонларни қиличдан ўтказди, Ислом маданияти обидаларини яқсон қилиб, китобларни ёқди. Факат Гарнотада мусулмонлар ҳукмронлиги милодий 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназзулга юз тутди.

Хуллас, мазкур китоб хақида “Бағдоднинг кулаши” деб номланган китобчамиз сўнгида хабар бериб ўтқандим. Мана “Андалус” хақидаги китобчамиз ҳам нашрга тайёр бўлди. Ушбу китоб ўқувчилари эътиборига қачонлардир хозирги Испания ва Португалия

худудида мусулмонлар ҳукмронлиги остида бўлган мазкур мамлакатда содир бўлган барча муҳим воқеаларнинг кенг камровли шарҳи тақдим этилади. Ўқувчимиз ҳам ўз олдига ўта муҳим: саккиз асрдан зиёд муддатга эга бўлган тарихдан хулоса чиқариб олиш мақсадини кўйиб олишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳақда тарихчи боболаримиз айтганидек, “Сиздан олдин яшаганларнинг тажрибасидан хулоса чиқарингки, токи кейинги авлодга дарс бўлмаслигингиздан аввал...” .

Шунингдек, ўқувчиларга Ислом тарихидан кўплаб янги маълумотларни олиб, ўз билимларини бойитиш имконияти тақдим этилади.

Ушбу китоб тайёр бўлишига ўз хиссаларини қўшган Аббос Асад, Санжар Саид ва бошқа азизларимизга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман...

Абу Муслим

АНДАЛУСГА ЙЎЛ

Нима учун Андалус тарихини ўрганишимиз керак?

Андалус тарихи 800 йилга яқин (92-897 й.й.) даврни ўз ичига олади. Ушбу давр ичида кўплаб миллатлар тарих сахнасига кўтарилиб, юз тубан кулаган, Андалус тарихида буюк инсонлар ва қабил қўрқоклар, улкан галабалар ва аламли мағлубиятлар жуда кўп.

Андалус – билим ва ҳикмат излаганлар учун чинакам хазинадир.

Ушбу тарихни ўрганишга киришишдан олдин бир неча саволни қўйиш керак:

1) Мусулмонлар нима сабабдан қилич кўтариб, Андалусни фатх қилишга киришди?

Ўша вақтда бу ҳудудда шимолий олмонлар қабилалари - готлар яшаган. Бирок табиий савол тугилиши мумкин: Ахир динда мажбур қилиш йўқ, бироқ нима сабабдан мусулмонлар мустақил мамлакатларни фатх эта бошлади? Шу ерда Исломда урушларнинг икки тури мавжудлигини эсга олайлик:

1. Мудофаа уруши;

2. Хужум ва забт этиш қўринишидаги уруш.

Ислом ақидасига кўра, Аллоҳ мазкур динни ер юзидаги барча инсонлар учун нозил қилган. Хар бир халқ устида ўз ҳукмдори, оддий раъиятнинг эътикод, урф-одатлари устидан назоратчилари бўлади. Уларнинг аксарияти турли сабабларга кўра янги ва хақиқий динни қабул қилишга қарши чиққани сабабли мусулмонлар Аллоҳнинг амри билан ислом даъватини муҳофаза қилиш учун фатх юришларини бошлади. Акс ҳолда сигирларга сизиниладиган Хиндистон ёки шамонлик билан шугулланадиган Африканинг олис саҳроларида яққахудоликка қим даъват қиларди? Зеро бу ерларга харбий қўшин ёрдамисиз етиб бориш иложсиз. Ўз-ўзидан ушбу ҳудудлар ҳукмдорлари олдида мусулмонларга қарши қилич кўтариб чиқишдан бошқа чора қолмаган. Шу билан бирга, мусулмонлар ҳам Ислом хақиқатини етказиш учун қурол кўтариб, уларга қарши уруш очишга мажбур эди. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, харбий харакатлар фақат Исломга қаршилиқ қилганларга нисбатан қўлланилган, қаршилиқ қилмаган оддий одамларга

нисбатан куч ишлатилмаган. Хазрати Умар ибн Хаттоб розиаллоху анху хам: “Дехконларга (оддий халкка) нисбатан Аллохдан такво килинг”, деб бежиз айтмаган.

2) Андалус каерда жойлашган?

Бу мамлакат хозирги Испания ва Португалия хуудларида жойлашган. Канчалардир Франциянинг жанубий кисми хам Андалус таркибида бўлган. Умумий майдони 600 минг квадрат километр. Жанубда Гибралтар бўгози ва Ўртаер денгизи, гарбда эса Атлантика океани сувлари Андалус сохилларини ювиб турган. 800 йил давомида Андалуснинг кайсидир ерларини насронийлар ишгол килган, кейин эса яна кайта мусулмонлар кўлига ўтган, янги фатхлар ва маглубиятлар такрорланиб турган. Шу сабабдан бу давлатнинг харитасини тўлик тақдим этишнинг имкони йўк. Бирок юкоридаги харитада ушбу давлатнинг тахминий хуудлари белгиланган. Шунингдек, Леон, Навар, Кастилия, Арагон каби давлатларнинг каерда жойлашгани хам кўрсатилган. Ганим хуудлари хам шу каби турли урушлар боис катталашган ва кичиклашган. Бир неча юз йил ўтиб, Андалус йигирма иккита майда давлатларга бўлиниб кетди. Китобхон юкоридаги харитага назар ташласа, Кордоба халифалиги хууду хакида тасаввурга эга бўлади.

3) Нима учун бу давлат “Андалусия” деб аталган?

2000 йил олдин Андалусия хуудуида вандаллар яшаган бўлиб, улар яшаган макон аввал-бошдан “Вандалусия” деб аталган. Кейинрок вандаллар бу ерларни тарк этиб, Гибралтар бўгози оркали хозирги Марокаш хуудларига кўчиб ўтишган. Бирок вақт ўтиб улар бир вақтлар истикомат килган ерлар “ал-Андалус” деб атала бошланди.

4) Мусулмонлар нима учун айнан Испанияга юриш килди?

Андалус ерларини забт этиш гоёси эса унинг фатхига киришишдан анча олдин пайдо бўлган эди. Биз мусулмонларнинг кўп йиллар давомида Рум пойтахти Константинополни забт этишга уриниб келганини биламиз. Учинчи халифа Усмон ибн Аффон розиаллоху анхунинг: “Албатта Константинополни факат денгиздан туриб забт этиш мумкин. Ва агар Андалусни ишгол этсангиз, Константинополни забт этганларнинг мукофотига шерик бўласиз”, деган гаплари бор.

5) Андалуснинг фатхи қачон амалга ошди?

Бу хижратнинг 92 йилида, халифаликни Уммавийлардан Валид ибн Абдулмалик бошкараётган даврда (хижратнинг 86-96 йилларида) амалга ошган. Ўша пайтда Европа ахолиси жуда кашшок яшаган, уларнинг кам кисмигина бой бўлиб, зодагонлар асосан феодаллар, мулозимлар ва кироллардан иборат эди. Европаликларнинг аксарияти баданидаги кир шифобахш хусусиятга эга дея ишонар, камдан-кам холатларда гигиена коидаларига амал килинарди: бир йилда бир марта хаммом килиш улар учун жуда катта муваффакият саналарди. Бу ҳақда Европа тарихчилари асарларида хам кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

АНДАЛУСНИНГ ФАТХ ЭТИЛИШИ (23 – 92)

Ислом Шимолий Африка хуудуига Андалусга юриш бошланишидан 70 йил аввал кириб борган. Хижратнинг 23 йилида мусулмонлар шимолий Африкани забт эта бошлаган. Ўша пайтда ушбу хуудлар ахолиси асосан барбарлардан иборат бўлиб, улар гоҳ Исломни

кабул килишар, гоҳ ундан чикиб кетишарди. Бу ахвол Мусо ибн Нусайр деган одам пайдо бўлгунича давом этди. Мусо ибн Нусайр тобеинлардан эди. Унинг отаси Нусайр саҳоба Холид ибн Валид бошчилигидаги “Айн ут-Тамр” жангида асирга олинган бўлиб, ўша пайтда бор-йўғи 13 ёшда эди. У черковларнинг бирида таълим олаётган насроний ўспирин эди. Саҳобаларнинг даъвати билан у Исломни кабул қилди.

Нусайр шариат илмларини эгаллаб, олим бўлди. У, шунингдек яхши чавандоз ҳам эди. Кейинчалик Муовия ибн Абу Суфён халифалик даврида лашкарбоши этиб тайинланди. Унинг ўғли Мусо Муовия ибн Абу Суфённинг саройида тарбиялана бошлади. Мусо ҳам улгайиб, Миср худудида лашкарбоши бўлди, ўшанда бу вилоятга Абдулазиз ибн Марвон волийлик қиларди. Бирмунча вақт ўтиб Мусо бутун Шимолий Африка бўйлаб Уммавийлар лашкарининг етакчиси бўлди. Айнан ўша пайтда, хижратнинг 85 йилида Ислом ана шу худудларда мустаҳкам ўрнашди.

Умуман олганда, Шимолий Африка худудини саҳоба Укба ибн Нофиъа розиаллоху анху забт этиб бўлган, бироқ Ислом бу ердаги аҳолининг калбидан мустаҳкам ўрин олмаган, унинг ўзи эса Кайравон шахри йўлида барбарлар томонидан ўлдирилганди.

Мусо ибн Нусайр Укбанинг хатоларини таҳлил эта туриб, унинг иккита катта хатога йўл қўйганини тушуниб етди:

1. Укба ибн Нофиъа янги худудларни жуда қисқа муддатларда забт этиб, уларни химоясиз қолдирарди.

2. Лашкарнинг маънавий ахлоқи паст, иймони заиф эди.

Шундан сўнг Мусо ибн Нусайр қўшин ортини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу худудларни Холид ибн Валиддан ибрат олган холда аста-секинлик билан забт эта бошлади. Бунга 6-7 йил вақт кетди, холбуки Укба ибн Нофиъ бутун Шимолий Африка худудини бир неча ойда қўлга қиритганди. Мусо, шунингдек Яман, Шом, Хижоз ва бошқа мамлакатлардан уламоларни олиб келиб, одамларга динни ўргата бошлади.

Атлантика океани қирғоқларига етиб келган Мусо китъа жанубига, деярли қимсасиз, одам яшамайдиган Саҳрои Кабирга қараб юриш нотўғри эканини англаб етди ва шимолга қараб юришга қарор қилди. У Шимолий Африканинг Марокашдаги Гибралтар бўғозига олиб йўл очиб берадиган Сабт шахридан бошқа барча худудларини ишғол қилди.

Ушбу бўғознинг кенлиги 13 километрдан 37 километргача етади. Гибралтар қирғогида эса ҳаммаси бўлиб иккита шаҳар – Танжа билан Сабт жойлашган эди. Ўша пайтда мусулмонлар Танжани ишғол этиб бўлгандилар. Ва Мусо ибн Нусайр стратегик жихатдан ўта муҳим бўлган бу шаҳарга келиб чиқиши барбарлар қабиласидан бўлган Тарик ибн Зиёдни лашкарбоши этиб тайинлади.

Барбарларнинг ўзлари оқ юзли, яшил кўзли, кўп холларда сочлари малларанг бўларди. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, барбарлар аслида шимолий герман қабилаларининг авлодлари бўлиб, Шимолий Африка ерларига қелишганига анча бўлган. Тарик ибн Зиёднинг ўзи эса, ривоят қилинишича, жуссаси йирик, сочлари сарик рангда бўлган.

Андалусга юришдан олдин Мусо ибн Нусайрнинг қуйидаги муаммолари бор эди:

1. Денгиздан сузиб ўтиш учун кемалар сони етарли бўлмаган, негаки шу вақтгача мусулмонларнинг аксарият жанглари асосан қуруқликда ўтган бўлиб, баъзи холларда Ўртаер денгизида ҳам жанг қилинган.

2. Андалус йўлида Балеар ороллари жойлашган бўлиб, уларда кўплаб қўнғилсизликлар қелтириши мумкин бўлган византияликлар истикомат қилган. Мусо ортида душман қайфиятидаги византияликларни қолдириб, армияси билан Испанияга қиришни хохламаган, чунки улар ордан туриб ҳужум қилиши мумкин эди.

3. Муслмонлар хали подшоҳ Юлиан бошқараётган Сабта шахрини фатх қилмагандилар. Бу подшоҳнинг Испаниянинг олдинги хукмдори Гайташа билан муносабати жуда яхши эди. Бирок Гайташани Родриго исмли киши тахтдан ағдарди. Шох Юлиан Родригонинг хукмдорлик қилишига қарши эди, собик қиролнинг ўғиллари ҳам Юлианнинг олдига қочиб қелишган ва ундан Родригога қарши ёрдам сўрашган эдилар. Бирок на Гайташанинг ўғилларида, на Юлианда Родригога қарши қилгани куч етарли эмасди.

4. Арабистон ярим оролидан ва Ямандан етиб келган қучлар етарли бўлмасдан, бутун Шимолий Африкада тарқок ҳолатда эди.

5. Андалусдаги насронийлар қучли эди: уларда тажрибали ҳарбий қўмондонлар ва мустаҳкам қалъалар қўп эди.

6. Муслмонлар Андалус ҳақида деярли ҳеч нарса билишмасди.

Мусонинг бу иш анча вақт олишини билсада биринчи навбатда Ўртаер денгизига чиқадиган соҳилларда бандаргоҳлар ҳамда, кемалар қуриш билан машғул бўлди.

Бандаргоҳларнинг энг йириги Қайравон шахрида эди.

Иккинчиси, у барбарларнинг иймони қучайиши ҳамда диндаги биродарликнинг ахлоқий сифатлари яхшиланиши учун махсус ўқувларни ташкил этди.

Учинчиси, у Андалусга юришга раҳбар этиб Тарик ибн Зиёдни тайинлади. У араб ва барбар тилларини аъло даражада билган, такводор инсон эди.

Қайд этиш жоизки, у қўшинга қўмондон этиб арабни эмас, балки барбарни тайинлади, сабаби армиянинг асосий қисмини барбарлар ташкил этиб, уларнинг ҳаммаси ҳам араб тилини билмасди.

Тўртинчиси, Мусо ибн Нусайр қўшин билан юриш қилиб, Балеар оролларини фатх этди ва шу билан қўшин ортини хавф-хатардан хотиржам қилди.

Бирок шунга қарамай Мусода баъзи муаммолар қолди. Олдин айтилганидек, Мусо кемаларни қурган, олимларни олиб келган, Балеар оролларини фатх қилгани билан битта муаммо қолганди – шох Юлиан ва Сабта шахри. Бирок Мусо муваффақиятга эришиш учун барча тадбирларни қўриб қўйган эди. Колаверса, Юлиан ҳам муслмонлар тез орада унинг шахрини забт этишга қиришини тушунар, боз устига, Родригодан қасос олиш орзусида ёнаётган Гайташанинг ўғиллари унинг олдига эди. Бу ўғилларнинг Испанияда улкан ер-мулклари бўлса ҳам деярли ҳеч қандай ҳарбий қучлари йўқ эди. Бундан ташқари, Юлианнинг ўзи Родригони жуда ёмон қўрарди. Қўнларнинг бирида Тарик ибн Зиёд Танжа шахридаги ўз қалъасида ўтирганида, унга Юлианнинг қопарлари қуйидаги таклифларни олиб келди:

- Мен (Юлиан) сизларга Сабта шахрини топшираман;
- Мен сизларга кемалар бериб ёрдам қиламан;
- Мен Андалус жугрофияси ва аҳолиси тўғрисида маълумот бераман;
- Ва буларнинг ҳаммасини олдинги қирол Гайташанинг ер-мулкларига эгаллик қилиш ҳуқуқи эвазига тақдим этаман.

Тарик ибн Зиёд бу ҳақда Мусога маълум қилди, у эса муслмонларнинг ўша пайтдаги халифаси Валид ибн Абдулмаликка мактуб йўллади. Халифа Юлианнинг таклифини битта шарт билан қабул қилишга руҳсат берди: Юлианнинг сўзлари нечоғлик чин эканлигини текшириш учун разведка отрядини юбориш керак. Мусо 500 кишилик отряд тўплаб, унга Тариф ибн Маликни қўмондон этиб тайинлади.

91 хижрий йилнинг Рамазон ойида Тариф Гибралтардан ўтиб, Андалуснинг жанубий қисмини ўргана бошлади ва Юлион тақдим этган ахборот ҳақиқат эканини қўрди. Шундан

кейин Мусо бир йил давомида кўшин тайёрлади ва алалокибат етти минг кишилик лашкар тўпланди.

Хижратнинг 92 йили Шаъбон ойида кўшин кемаларда бўғозни кесиб ўтиб, Тарик тоғи ёнбагрида тўхтади. У ердан Жазират-ул-Хадра ороли худудига ўтган мусулмонлар унчалик катта бўлмаган испан армиясига йўликди. Тарик ибн Зиёд уларга уч марта исломга ўтишни таклиф қилди ва куйидаги сўзларни айтди: “Агар исломни қабул қилмасангиз, унда жизъя тўлайсиз, акс холда уруш бошлаймиз”. Улар бош тортдилар ва жанг бошланди. Мусулмонлар галаба қозонди, бироқ испанлар кўмондони Родригога мактуб ёзишга улгуришди. Мактубда шундай ёзилади: “Ох, Родриго, бизга ёрдамга шошилгин. Чиндан ҳам бу ерга шундай лашкар етиб келдики, улар ер ахлими ёки осмондан тушдиларми, билмай қолдик”.

Ўша пайтда Андалуснинг пойтахти Испания марказидаги Тулейтула шаҳри эди. Кирил Родрига жуда катта кўшин тўплади, ундаги чавандозларнинг ўзи юз мингга етиб қолай деди. Тарик ибн Зиёд кўшинининг ақсарияти пиёда бўлиб, У Шимолий Африкага мактуб юбориб, ёрдам кучи сўради. Мусо ибн Нусайр унга қачонлардир разведка отрядига раҳбарлик қилган Тариф ибн Малик бошлик яна беш минг аскар жўнатди. Шундан сўнг Тарик жанг учун жой кидира бошлади ва “Барбат” дея аталган водийни топди (бошка ривоятлар “Люкка” ёки “Лакка”). Мусулмонларнинг позицияси жуда қулай: ортида ҳам тоғлар, кунчиқар тарафда ҳам тоғлар, кунботар тарафда эса қўл бор эди. Бундай жойлашув унга Родриго армиясининг айланиб, орқадан зарба бермаслигига имкон яратарди. Шунга карамай, у орқани химоя қилишни унчалик катта бўлмаган кўшин билан Тариф ибн Маликка топширди.

Ва ниҳоят Родриго бошлик 100 минг отлик кўшин етиб келди, уларни устига қўлга олинган асир мусулмонларни боғлаш учун атайлаб арқон ортиб олинган хачирлар қузатиб келарди. Зарбоф либосларга бурқанган Родригонинг ўзи хачирлар тортиб келаётган олтин тахтиравонда келарди.

Ниҳоят 92 хижрий йилнинг 28-Рамазон куни жанг бошланди. Кўшинлар сонида улкан фарқ бор эди. Бу жанг 8 кун давом этди. Хатто Ийд-ал-Фитр куни ҳам мусулмонлар жанг қилишдан тўхтамади. Ниҳоят саккиз кун давом этган тўхтовсиз жанглардан сўнг мусулмонлар испанлар устидан галаба қозонди. Ривоятлардан бирида Родриго ўлдирилган, бошқаларида эса қочиб кетган деб хикоя қилинади. Шундан сўнг кирил Родриго тарихи ўчирилди ва ушбу жангдан сўнг у ҳақда ҳеч қандай ривоятлар бўлмади. Мусулмонлар катта ўлжаларга эга бўлди, ўлжанинг энг яхшиси отлар бўлди. Ўн икки минг мусулмон кўшнидан уч минг нафари жангда ҳалок бўлишди.

Ривоятларда айтилишича, Тарик ибн Зиёд Андалус худудига етиб келганида мусулмонларни шижоатлантириш учун ҳамда ортга йўлни кесиш учун ўз кемаларини ёндириб ташлаган экан. Бироқ бу ривоятларнинг негизи заифдир: мусулмон тарихчиларининг китобларнинг бирортасида ҳам бу воқеа ҳақида хикоя қилинмайди. Бу воқеа асосан европаликларнинг тарих китобларида битилган. Ҳар холда европаликлар сон жихатдан испанлардан анча кам бўлган мусулмонларнинг рухий устунлиги ва шижоатини қандайдир йўл билан изохлашлари керак бўлган. Аммо, бундай ҳолатлар мусулмонлар учун одатий эди, чунки ўтган ақсар жангларда мусулмонлар душман лашкарига нисбатан сон жихатдан оз бўлишган. Боз устига, улуг саркарда бўлган Тарик ибн Зиёд армиянинг ортга чекиниши учун йўлни тўсиб қўйиши мумкин эмасди, кемалар ҳам унинг мулки эмас, байтул-мол маблағлари ҳисобига қурилган, баъзилари эса кирил Юлиандан вақтинча фойдаланиш учун ижарага олинган эди.

Урушдан сўнг Тарик ибн Зиёд Андалусни эгаллаш имкониятини кўлдан бермаслик керак, деган карорга келди ҳамда шимолга, мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан бири Ишбилияга караб юриш бошлади. Шаҳар химояси жуда мустахкам бўлишига карамай, унинг ахолиси ўз ихтиёри билан муслмонларга дарвозани очиб берди ҳамда жизъя тўлашга рози бўлди.

ВОЛИЙЛАР ДАВРИ (92 – 114)

Тарик ибн Зиёд Устунжа шаҳрини камалга олиб, насронийлар билан жанг бошлади. Насронийлар жуда каттик каршилиқ кўрсатдилар, бироқ охир-окибат муслмонларга жизъя тўлашга рози бўлдилар. Шундан сўнг Тарик етти юзга яқин жангчилардан иборат унчалик катта бўлмаган кўшинларни Андалуснинг жанубий худудларига юбора бошлади. Унинг ўзи эса асосий кўшин билан бирга Тулейтула шаҳрига караб юриш бошлади. 700 кишилиқ кўшинлардан бири Куртуба (Кордова) шаҳрини кўлга киритди, бошқа кўшинлар эса Малка (Малага), Гарнота, Мурсия ва бошқа таникли шаҳарларни забт эта бошладилар.

Шу вақтнинг ўзида Тарик ибн Зиёд шимол ичкарасига кира туриб, Жайан калъасини, гарчи у жуда ҳам мустахкам бўлишига карамай, ишгол эта олди. Шундан сўнг у Испаниядаги химояси энг мустахкам саналган Тулейтулага караб йўл олди ва калъа олдига етиб келганида, Родриго кўшини мағлубиятга учрагани хақида эшитган насронийлар ҳеч қандай жангларсиз шаҳар дарвозасини очиб бердилар ва жизъя тўлашга рози бўлдилар. Ушбу хушхабарни эшитган Мусо ибн Нусайр унга мактуб йўллаб, Шимолий Африкадан ёрдамчи кўшин етиб келгунига қадар шаҳардан чикмасликка буйруқ берди.

Мусо 18 минг навкардан иборат кўшин тайёрлади. Шимолий Африка бўйлаб муслмонлар Гибралтар ортида янги худудларни фатх этгани тўғрисидаги миш-мишлар тарқалиши ортидан жуда кўп одамлар тўпланди ва кўпчилик янги юришлар сари тайёргарлик кўра бошладилар. Аскарлар Яман, Ирок ва Шомдан келдилар. Улар Гибралтар бўғозидан сузиб ўтганларида, Мусонинг ташвишлангани бекор эмаслиги маълум бўлди: Ишбилия шаҳри ахолиси Тарик ибн Зиёдга хиёнат қилди: унга ортидан туриб зарба беришга тайёр турганди. Бироқ насронийлар кўшини Тарик ибн Зиёдга энди хужум қилмоқчи бўлганида, Мусо ибн Нусайрнинг йигирма минг кишилиқ кўшини етиб келди. Ишбилия камали бир неча ой давом этди. Шундан сўнг улар дарвозаларини қайтадан очиб, муслмонларга таслим бўлдилар. Шундан сўнг Мусо аста-секинлик билан, босқичма-босқич Андалусни забт эта бошлади. Хусусан, гарбда у калъаларнинг бирини камалга олиб, янада гарброкда жойлашган бошқа калъани забт этиш учун ўгли Абдулазиз ибн Мусони жўнатди ва у қиска муддат ичида бутун гарбий Андалусни фатх этди (Лиссабон ва бошқа шаҳарлар). Мусо бу заминга қадам қўйганидан сўнг бир йил ўтгандангина Тарик ибн Зиёд билан юзма-юз кўришдилар.

Шундан кейин иккови бирлашиб, қолган худудларни фатх этишга киришдилар ҳамда Барселона ва Сарагоса шаҳрини кўлга киритиш ортидан деярли бутун Андалусни фатх этдилар. Ажабланарли ери шундаки, Испания ва Францияни ўртасини Пиреней тоғлари

ажратиб турганига карамай, Мусо ибн Нусайр кўшинни айнан шу тоғлар оркали юборди ва отряд Нарбонна (Арбуна) шахрини забт этди. Кейин бу шахар катта провинцияга айланди.

Шундай килиб, тахминан 3,5 йил ичида улар деярли бутун Андалусни ишгол этдилар, факат Испаниянинг шимоли-гарбида жойлашган Галисия дея аталмиш ер парчаси қолиб кетди.

Бу воқеалар хижратдан сўнг 95 йиллар атрофида содир бўлган. Бирмунча вақт ўтиб халифа Валид ибн Абдулмаликдан мактуб келди. Мўминлар амири Мусо ва Тарик тезда Дамашкка келишларини талаб қилганди. Мусо ибн Нусайр бундан каттиқ ранжиди. Ўша пайтда у 75 ёшга кирганди. Тарихчиларнинг айтишича, Мусо бутун Ервопани фатх қилмоқчи ва Константинополгача етиб бормоқчи бўлганди. Улар Дамашкка етиб келганларида, мусулмонлар амири Валид ибн Абдулмалик ўлим талвасасида ётар, уч кун ўтиб вафот этганди. Тахтга ўтирган халифа Сулаймон ҳам уларнинг иккови ҳам Дамашқда қолиши керак, деган фикрда собит эди. Бир йил ўтиб халифа Сулаймон хажга отланди ва ўша 97 хижрий йилида Мусо ибн Нусайр ҳам унга ҳамроҳ бўлди. Мадинага етиб келганида Мусо ибн Нусайр дорул-бакога рихлат этди.

Тарик хақида сўз юритиладиган бўлса, у Дамашкка қайтганидан сўнг у ҳақда тарих китобларида ҳеч қандай маълумот битилмади. Баъзиларнинг айтишича, у хижратнинг 102 йилида вафот этди.

Мусо забт этишга улгурмаган Испания шимоли-гарбидаги ўша қичкина замин асрлар оша ислом Андалусининг қолашига сабаб бўлди.

Кўринишидан арзимайдиган нарса, аммо тарих бизга ажиб мисолларни такдим этиб, улардан ибрат олишимизни таклиф этади. Шундай килиб, Андалус фатхи тарихи хижрий 96-йилида ниҳоясига етди. Кўпчилик тарихчиларнинг айтишича, бу харбий фаолият соҳасидаги мўъжиза эди. Кўплаб тоғлар ва дарёлар қаби табиий тўсикларга тўлиб тошган улкан ҳудудни 3,5 йилда қўлга киритиш деярли имконсиз эди. Бирок буюк саркардалардан бўлган Тарик ибн Зиёд ва Мусо ибн Нусайр раҳбарлигидаги мусулмонлар кўшини улкан зафар қазонди.

Ана шундан сўнг Дамашқдаги халифага бўйсунувчи волийлар даври бошланиб, 42 йил давом этди (96-138 х.й.й). Халифа Сулаймон амри ила биринчи бўлиб Абдулазиз ибн Мусо ибн Нусайр волийликка тайинланди. У отасига менгзаган, Мусонинг ўзи у ҳақда “У доимо тунлари қоим ва кундузи соимдир” деб гапириб юрарди.

Бирок 42 йил давомида 22 та волий алмашди ва бу Андалусга салбий таъсир қилди. Нега энди 22 та волий алмашди?

1. Кўп волийлар харбий юришларда ҳалок бўлдилар;
2. Баъзилар ҳокимиятни қўлга киритиш учун бошқаларни ағдариб, сиёсий фитналарни қўзгаган.

Хижратнинг 123 йилигача салтанат қучли бўлган, 123 йилдан 138 йилгача Андалус бошқаруви заифлашган. Андалус аҳолиси дастлабки пайтда дин аҳкомлари билан танишиб, исломни қабул қила бошладилар. Испанлар хақиқий дин – инсон хаётининг барча жабахаларини яхшиликка қорлайдиган тинчлик ва яхшилик динини топдилар. Улар тўда-тўда бўлиб Аллоҳ динига қира бошладилар.

Синфлар бўйича табақаланиш бекор қилинди, динда ҳеч қандай мажбурлаш йўқ эди, черковлар қолдирилди, баъзида эса черковлар сотиб олиниб, масжидларга айлантирилди. Мусулмонлар жуда кўп кўприклар қурдилар, қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган устахоналар очдилар, денгиз флотини қурдилар. Хатто насронийлар ва

яхудийлар ҳам араб тилини ўрганиб, бундан фахрланардилар. Мусулмонлар пойтахтни Тулейтуладан Куртубага кўчирдилар. Шунингдек, Францияга мунтазам юришлар бўлиб турди. Самх ибн Малик Хулиёний буюк волийлардан бири эди. Уни мусулмонларнинг амири Умар ибн Абдулазиз волий этиб тайинлаганди. Умар ибн Абдулазиз ўзи кандай бўлса, вилоятларга ҳам ўзига ўхшаган такводор мўминларни волий этиб тайинларди. Самх ибн Малик Франция жануби-гарбининг бутун худудини эгаллади ва Тулуза шахригача етиб борди. У ўзининг зафарона юришларини 102 йилнинг Арафот кунда шахид бўлгунига қадар давом эттирди.

Ундан кейин бир неча волийлар бошқарувни кўлга олдилар, 103 йилда эса волийлик Анбаса ибн Сухайм кўлига ўтди ва у деяли Парижгача етиб борди. У Париждан 30 чакирим масофада жойлашган Санс шахрига етиб борганида жанг майдонида шахид бўлди. У Франция худудининг деярли 70 фоизини эгаллаганди. У халок бўлганидан сўнг кўп нарсалар ўзгарди. Шундай қилиб, волийлар алмашар экан, хукмдорлик Хайсам Кулобий кўлига ўтди. У араб миллатидан бўлиб, конида миллатчилик кучли эди. Иш Андалуснинг ўзида барбарлар ва араблар ўртасида тўқнашувларнинг келиб чиқишигача етиб борди. Ундан кейин волийлик Абдуррахмон ибн Гафикийга ўтди, у бир-бирига адоватда бўлган барча мусулмонларни яраштирди. У мусулмон мужоҳидларининг оёғи етмаган жойларгача борди: у Франциянинг деярли бутун гарбий қисмини забт этди ҳамда Бордо, Тур, Тамуша каби шаҳарларни кўлга киритиб, Путье шахрига етиб келди. У 50 минг кишилик кўшинга эга бўлди ва улар бу ерларнинг ҳаммасини забт этдилар ва жуда кўп ўлжаларга эга бўлдилар. Шундан сўнг араблар ва барбарлар ўртасида ўлжалар сабабли низолар чиқа бошлади, лекин муаммоларнинг каттаси одамлар: “Бизнинг лашкаримиз улкан, бизни ҳеч ким енга олмайди” деган сўзларни гапира бошладилар.

Ва ниҳоят улар Пуатьега яқинлашганларида, уларга қарши Карл Мартелл деган лашкарбоши қарши чиқди. Карл 499 минг кишилик аскар тўплади ва “Балат” дея аталувчи жойда жанг бошланди. Тарихда бу жанг “Балату шухада” (шахидлар саройи) деб ном олган. Жанг ташландик сарой ёнида ўтгани учун шундай номга эга бўлди. 114 хижрий йилнинг Рамазон ойида ўтган бу жанг 10 кун давом этди. Аввалига мусулмонлар зафар қозона бошладилар, бироқ французлар мусулмонлар ўлжа йигишга тушганларини кўриб ўлжаларни талашни бошладилар. Мусулмонлар эса жанг қолиб ўлжаларини химоя қила бошладилар ва натижада улар улкан маглубиятга учрадилар. Европаликларнинг айтишича, “агар Путьедаги жангда мусулмонлар галаба қозонганларида, улар бутун Европани кўлга киритган бўлардилар ва ўшанда Оксфордда Куръон ўқитиларди”. Пуатьедаги жангда Абдуррахмон Гафикий шахид бўлди. Пуатьедаги жангдан сўнг Андалусдаги ривожланиш даври ниҳоясига етди.

АБДУРРАХМОН ДОХИЛИЙ – КУРАЙШЛАР ШУНКОРИ (114-146)

Пуатьедаги жангдан сўнг Укба ибн Хажжож Сулалий 116 йилдан 123 йилгача волийлик қилди. Етти йил давомида у Францияга 7 марта юриш қилди. У кудрат даврининг сўнги

волийси эди ва жангларнинг бирида шахид бўлди. Унинг ўзи асирларни Исломга даъват қилар ва икки мингга яқин француз Укба сабабли Исломни қабул қилганди. 123 дан 138 йилгача заифлик ва низолар даври бўлди. Бу даврда мустабидлардан иборат волийлар ҳукмдор бўлдилар. Уларнинг орасида Абдулмалик ибн Катан бор эди. У ўлжаларни фақат мудар кабиласидан бўлган араблар ўртасида тақсимларди. Сўнгги волий Юсуф ибн Абдуррахмон Фахрий хижратнинг 130 йилидан 138 йилгача ҳукмдорлик қилган. У халифатдан ажралиб чиқиб, ўша пайтдаги мўминлар амирига итоат қилишдан бош тортган. Франциядаги ҳудудларнинг деярли ҳаммаси бой берилган ва хатто насронийларнинг янги давлати Леон пайдо бўлди. Андалусда хаворижлар пайдо бўлди, улар барбарларнинг аксариятини ўз томонларига оғдириб олдилар. Хижратнинг 132 йилида Уммавийлар халифаси ағдариб ташланди ва тахтни конли тўқнашувлар воситасида эгаллаган Аббосийлар сулоласининг ҳукмдорлиги бошланди. Кўплаб тарихчиларнинг айтишича, Андалусда ҳам мусулмонлар ҳукмронлиги ўз нихоясига етиш хавфи тугилди.

Аббосийлар ўз иқтидорларини мустаҳкамлаш йўлида бану Умайя сулоласининг барча аъзоларини қириб ташладилар, илло қочиб кетганлар омон қолди. Улар орасида халифа Хишомнинг (105-125 хижрий йиллар) набираси Абдуррахмон ибн Муовия ҳам бор эди. Аббосийлар тахтни эгаллаганида Абдуррахмон ибн Муовия 19 ёшда эди. Ироқда бўлган чоғида қунларнинг бирида у оиласи билан уйда ўтирган бўлиб, кўзлари каттик оғриётганди ва унинг олдига тўрт ёшли ўгли йиглаб қирди, уни харчанд тинчитмоқчи бўлсада, урдасидан чиқмади. Шунда у ховлига чиқиб, Аббосийларнинг қора тугларини кўриб қолди. У шу захотиёқ нарсаларини йигиштириб, 13 ёшли укаси Валид билан Фуротга қараб қочди. Аббосийлар аёллар ва гўдақларга тегмаслигини билиб, оиласини қолдириб кетди. Фуротга яқинлашиб келиб, улар дарёдан сузиб ўта бошладилар. Уларнинг ортидан қувиб келаётганлар: “Ортга қайтинглар, сизларга омонлик берамиз!” дея бақира кетдилар. Укаси Валид уларга ишониб Абдуррахмоннинг сўзига қирмай ортга сузиб кетди. Сабаби у толиққан эди. Акасининг кўз ўнгида уни ўлдирдилар. Абдуррахмон Фурот дарёсидан сузиб ўтиб, Шимолий Африкага қочишга қарор қилди, чунки унинг онаси барбарлар кабиласидан эди.

У Хижоз, Мисрдан ўтиб, Қайраван шаҳрига йўл олди, у ерда ҳам Уммавийларни, ҳам Аббосийларни ўзига бирдек ашаддий душман деб билувчи Абдуррахмон ибн Хабиб бошлиқ хаворижлар исён қилаётганди. Шунинг учун у Ливиядаги Барка шаҳрига қочишга мажбур бўлиб, у ерда 4 йил қолиб кетди. Шундан кейин у Андалусга кетишга қарор қилди, бироқ бундан олдин ходими Бадрни “бану Умайяга” мойил бўлганлар билан алоқа ўрнатишга жўнатди. Ўшанда унинг ёши 23 га етганди. Боз устига, у барбарлар билан ҳам хат ёзиша бошлади. Бу пайтда у тузуккина сиёсатчи ва дипломат бўлиб қолганди. Абдуррахмоннинг ходими Бадр хожасига Голибат-Тамимий исмли чопарни юборди. Табиатан некбин бўлган Абдуррахмон чопарнинг исмини билиб, “Алхамдулиллаҳ, биз Аллохнинг изни билан зафар қозонамиз ва ишларимизни нихоясига етказамиз”, деди. Шундан сўнг у чопар билан бирга Гибралтар бўғозини кесиб ўтди. Бу ерда уни Бадр қутиб олди. Улар биргаликда Андалус пойтахти Куртуба шаҳрига йўл олдилар. Бу вақтда Юсуф Фахрий шимолда навбатдаги исённи бостираётганди.

Абдуррахмон ўз атрофига Уммавийлар ва барбарларни тўплади, бироқ улар озчилик эди. Шу боис у Абу Субах Яхсубий бошлиқ яманликлар билан иттифок тузишга эришди. Шундан сўнг Абдуррахмон Юсуфга мактуб ёзиб, ўзини омон қолган Уммавийларнинг авлоди, халифанинг набираси экани, ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлаётганини

маълум килди. Бирок Юсуф бўйсунидан бош тортди ва унга карши жуда катта кўшин солиб келди. Шундан кейин 138 йилнинг Зул-Хижжа ойида “ал-Мусора” дея ном олган жанг бўлиб ўтди. Муслмонлар муслмонларга карши уруши жуда катта мусибат эди, ammo муаммони хал қилишнинг бошка чораси колмаганди гўё.

Абдуррахмоннинг оти жуда учкур эди. Яманликлар у ҳақда бахс кила туриб, Абдуррахмон жанг пайтида кочиб кетиши мумкин, деб гапира бошладилар. Бу миш-мишлар унинг кулогига етиб борди. У яманликларнинг олдига келиб, отни берди ва ўрнига хачир миниб: “Отдан туриб камондан ўк узиш кулай эмас экан, у жуда ҳам учкур экан”, деди.

Яманликлар унинг бу ишидан ажабланиб, бу одам жанг ўртасида дорул-харбни ташлаб қочадиганлардан эмаслигига амин бўлдилар. “Ал-мусора” жангида Абдуррахмон голиб келди ва яманликлар Юсуфнинг қочаётган кўшинлари ортидан қувлай бошладилар. Лекин Абдуррахмон “Уларни тинч қўйинг, душманингиз билан дўстлашмоқчи бўлсангиз (ахир улар муслмонку), уларни бутунлай кириб ташламанг. Уларни каттарок душманларингиз (яъни фаранглар) учун колдиринг”, дея амр этди. У шундай ажойиб ва етук сиёсатчи йигит эди! Жангдан сўнг Абу Субах Абдуррахмонни махв этмоқчи бўлди. Бирок аксарият яманликлар унга карши чиқидан бош тортиб, “Чиндан ҳам бу одам ажойиб экан”, дедилар. Бу гаплар Абдуррахмоннинг кулогига етиб борди. Бирок у муслмонлар ўртасидаги бирдамликни йўқотмаслик учун Абу Субахга карши ҳеч қандай чора қўрмади. Фақат орадан 11 йил ўтиб, ҳокимиятда мустаҳкам ўрнашиб олганидан кейин у Абу Субахни узок йиллар мобайнида эгаллаб турган мансабидан олиб ташлади. Ушбу жангдан сўнг у Куртуба шаҳрини, Андалус жанубини эгаллаб олди ва уни Абдуррахмон Дохийий деб атай бошладилар.

138 йилдан Уммавийлар бошқаруви бошланди ва у 34 йил давомида, хижратнинг 172 йилигача ҳукмдорлик килди. У ҳам ишни исёнларни бостиришни бошлади, бирок 146 йилда Аббосийлар сулоласининг иккинчиси халифа Абу Жаъфар Мансур Абдуррахмонни ағдариш учун юборган Ал-Ала Хадрабий бошчилигида катта исён бўлди. Ал-Ала Хадрабий мағлуб бўлди ва шундан сўнг Андалусни забт этишга уринишлар тўхтади. Абу Жаъфар хатто Абдуррахмонга “қурайшийлар шункори” деб ном берди ва “Алхамдулиллахи, бизларнинг орамизда денгизни тўсик қилиб қўйди”, деди.

УММАВИЙЛАР АМИРЛИГИ (146 – 300)

Юкорида айтиб ўтилганидек, Абдуррахмон Дохийий Андалусда истикомат қиладиган муслмонларнинг халоскори бўлиб қолди. У Аббосийлар сулоласига таслим бўлмади, илло таслим бўлса, албатта халокатга юз тутишини аниқ биларди, чунки Аббосийлар ўз олдига Уммавийларни йўқ қилишни мақсад қилиб олгандилар. Абдуррахмон Дохийий уч қисмдан иборат бўлган лашкар тўплай бошлади:

1. Ислонни қабул қилган махаллий аҳоли;
2. Араблар, барбарлар, яманликлар;
3. Абдуррахмон томонидан сотиб олинган ҳамда ислом руҳида тарбияланган қуллар ва насронийлар.

Унинг бошқарув даври нихоясига якинлашганда лашкарларининг сони юз мингга етиб колди. У килич ясайдиган устахоналар барпо этди. Шунингдек, Куртубада масжид курди (айни пайтда бу масжид черковга айлантирилган). Бу масжид курилишига саксон минг олтин динор сарфлади. Ундан кейин “бану Умайя” сулоласидан саккиз авлод волийлари масжидни кенгайтиришда давом этдилар ва дунёдаги энг катта масжидлардан бирига айлантирдилар. У, шунингдек, пул зарбхонасини куриб, “бану Аббос” сулоласи бошқараётган халифаликдан фарк киладиган махаллий тангаларни зарб эта бошлади. У бобоси Хишомдан ибрат олган холда дунёдаги энг катта “Расафа” богини барпо этди. У бутун дунёдан дарахт кўчатларни келтириб экди. Кўприklar, калъалар куриб, Андалуснинг барча вилоятларини йўллар билан боглади.

Ўша пайтда шимоли-гарбдаги Леон ва шимоли-гарбдаги Франция асосий душманлар эди. У учта чегара марказлари ўрнатди:

1. Сарагоса
2. Салим
3. Леон тарафида яна битта калъа.

У йилнинг хар ёз мавсумида албатта Франция томонига юришлар уюштирарди.

Мамлакат бюджетини у учта кисмга бўларди:

1. Армияга
2. Давлатнинг кундалик ишларига
3. Мухтамал иктисодий бўҳрон холатига захира жамгармаси.

Тартуша, Барселона, Мария ва бошка шахарларда кучли флот барпо этди. Тарихчи Ибн Хайан ал-Андулисий уни буюк саркарда ва лашкарбоши сифатида таърифлаган. “У оқил, беозор, билимдон, журъатли, зийрак ва салобатли эди. У кўтарилишга жуда енгил, ҳеч қачон бекор ўтирмас, доим бирор иш билан машгул эди. У жуда меҳрибон ва сахий, гапга чечан, жаноза намозларига борар ва баъзида уларни ўзи бошқарарди, жума ва хайит намозларини ўтиб берар, мавъизалар килар, касал одамларни зиёрат килар, доим нималаргадир интиларди. Билим доираси нихоятда кенглигига карамай, у бошка лашкарбошилар ва олимлардан маслаҳат олишдан ор килмасди. Бу чинакам мўминнинг сифати бўлиб, улар ҳеч қачон бекор ўтирмайдилар ва доим дунёвий ва ҳам ухровий сохаларда фойдали иш билан машгул бўладилар. Бугунги кунда бекорчи, фойдасиз ишларга шўнгиб кетган ёшларимиз бундан ибрат олишлари лозим.

Абдуррахмон халк орасида тансокчиларсиз юрарди, холбуки бу ўша даврдаги хукмдорлар учун одатий хол эди. У одамларнинг хулафои рошидинларнинг иккинчиси бўлган Умар ибн Хаттобга, унинг боши остига ёстик ўрнига тош кўйиб, остига чопонини ёпиб ётганини кўриб гапирган гапларини ёдга олди: “Сен бизларга бош бўлдинг ва бизларни самимий ва адолатли тарзда бошқардинг, шунинг учун сен хотиржам ухлашинг мумкин, ё Умар!”

Бир куни бизлар учун кизикарли ва ибратли воқеа содир бўлди. Унинг олдида бир одам келиб, бошқаларнинг хузурида ниманидир сўраб илтимос килди. Абдуррахмон унинг илтимосини бажариб шундай деб айтди: “Агар сенда яна қандайдир эҳтиёж ёки муаммо пайдо бўлиб колса, бу ҳақда бир варок коғозга ёзгинда бизга бер, илло одамлар сенинг муаммоларинг хақида билмасинлар. Бирок бу коғоз парчасини бизга беришдан аввал сен уни самимий илтижо ва ният билан Сенинг ва бизнинг Роббимизга беришинг керак бўлади”.

Шу йўл билан у одамларни биринчи навбатда ёрдам сўраб Аллох Таолога мурожаат килиш кераклигига ўргатарди.

Кариб, умри поёнига етиб бораётган пайтда у ўзидан сўнг кимни ворис килиб колдириш хакида ўйлай бошлади. Унинг икки ўгли бўлиб, бирининг исми Хишом, иккинчисиники Сулаймон эди. Абдуррахмон уларни узок вақт синовдан ўтказиб, ўйлай-ўйлай ўзидан сўнг ворисликка Хишомни танлади. Кўпчилик Хишомни ўз даврининг улуг халифаси Умар ибн Абдулазизга ўхшатарди.

Хишом ибн Абдуррахмон 8 йил хукмдорлик килди (172-180 х.й.). У олим эди, араб тилини ёйишда жидду жаҳд кўрсатди. Хатто яхудийлар ва насронийларнинг ўқув марказларида ҳам араб тили ўқитиларди. У шунингдек, моликийлар мазхабини тарғиб килди. Ундан кейин ўгли Хакам ибн Хишом ибн Абдуррахмон 180-206 хижрий йилларда хукмдорлик килди. У шеърият ва шикор мухлиси эди. Шундай бўлишига карамасдан, Хакам ибн Хишом жуда шавкатсиз инсон бўлиб, халкни солиқлар билан эзиб қўйди. У исёнларни жуда аёвсизлик билан бостирад, исёнкорларнинг уйларига ўт кўяр, ўзларини эса давлатдан бадарга киларди. Бирок у шимолга юришларини ҳам давом эттирарди. Халкига нисбатан шавкатсиз муносабатда бўлгани учун Аллох баъзи шахарларни, мисол учун, Барселонани насронийлар қўлига ўтказиб қўйди.

Кейинрок бу шахарлар ўрнида янги насроний давлати – Арагон пайдо бўла бошлади. Бирок Аллохнинг раҳмати туфайли у ўлимидан икки йил олдин Оламлар Парвардигори олдида тавба килди, халкидан кечирим сўради ва ўзига ворис этиб ўгли Абдуррахмон ибн Хакам ибн Хишомни тайинлади. Тарихда у Абдуррахмон II номи билан танилди. Шундай килиб, ибн Хишомдан сўнг янги хукмдор – унинг ўгли Абдуррахмон Иккинчи келди ва хижратнинг 206 йилидан 238 йилигача хукмдорлик килди. У яхши, юмшок кўнгилли инсон бўлиб, илм ва олимларни хуш кўрар, шунинг учун унинг даврида Андалуснинг барча бурчакларида маърифат гуркиради. Унинг даврида Аббос ибн Фарнас исми математик яшаган бўлиб, сунъий канотлар ёрдамида бошқарилувчи парвоз аппаратини яшашга уринган ва Куртуба масжиди минорасидан сакраб, эсон-омон ерга кўнган эди. У шунингдек, сув соатини, кум соати учун (кремнийдан) шиша ва хатто дельтапланнинг биринчи прототипини ихтиро килган. У, шунингдек, сиёх ручкаси учун перони ихтиро килган.

Абдуррахмон II бутун дунё бўйлаб ва хатто Багдоддаги олимларни ҳам Андалусга таклиф килди. Куртубадаги энг катта кутубхонани курди. Бу кутубхона катталиги жихатидан факат Багдоддаги кутубхонадан ортда колган. Шунингдек, савдо-сотик жуда ривожланиб кетди, боғлар, саройлар барпо этилди. Тарихчиларнинг айтишича, бу даврда Андалус кўчаларида кашшокларни топиб бўлмасди. Ўша даврда, хижратнинг 230 йилида викингларнинг Ишбилияга юриши содир бўлди. Улар шахарни бутунлай вайрон килдилар, аҳолини тунаб, аёлларни зўрладилар ва шундан кейин Мария, Мурсия ва бошка шахарларга хужум килдилар. Абдуррахмон II лашкар тўплаб, викингларга карши уруш очди. Жанг юз кун давом этди ва ниҳоят мусулмонлар галаба қозондилар. Душманнинг 35 га яқин кемаси чўктирилди. Мусулмонлар зафар кучиб, викинглар ортга кайтдилар.

Ушбу воқеадан сўнг у биринчи навбатда Ишбилия шахрини улкан девор билан ўраб чикди, чунки бу шахар Атлантика океанига окувчи дарё киргокларида жойлашгани ва кўпчилик унга осонгина етишардилар. У иккита жуда кудратли флот барпо этди: бирини Атлантика океанида ва иккинчисини Ўртаер денгизда. Шунингдек, 234 хижрий йилда Балеар ороллари кайтадан фатх этди.

Шундан сўнг, 238 йилдан 300 йилгача (62 йил) ожизлик даври бошланди. Бу давр мобайнида бор-йўги уч киши хукмдорлик килган:

1. Абдуррахмон II нинг ўгли - Мухаммад
2. Мухаммаднинг биринчи ўгли - Мунзир
3. Мухаммаднинг иккинчи ўгли – Абдуллох

Ожизликнинг сабаби нимада эди?

1. Муслмонларга келган бойлик тўлиб-тошиб кетди. Бу ҳолат муслмонларни фитнага учратди.
2. Зирёб – Багдоддаги Иброхим Мавсалийнинг шогирди. У кўшикчи ва мусикачи бўлиб, Аббосийлар халифасига жуда ёкиб колганди. Бирок унинг устози шогирдига хасад килиб, тухмат уюштирди. Окибатда саройдан хайдалган Зирёб Андалусга йўл олди. У ерда ҳам хаммани овози билан ўзига ром эта бошлади. У одамларни кўшик айтишга, мусикага, модага, тансик таомларга ва бошка иллатларга ўргата бошлади. Окибатда кўшикчилар кўпайиб кетди, одамлар раксга туша бошладилар. Улар Зирёбни Куръондан ва хадислардан кўра кўпрок тинглай бошладилар. Хатто бугунги кунда ҳам одамлар Зирёбни танийдилар ва у маданият ва маърифатни таркатган деб гапирдилар, холбуки аслида у Андалус таназзулининг энг катта сабабчиларидан бири бўлган эди.
3. Умар ибн Хафсун – келиб чиқиши Андалусдан бўлган карокчи. У жанубда исён бошлади ва жанубий Андалуснинг деярли барча қисмини забт этди. Бирмунча вақт ўтиб, у насронийликни қабул қилди ва 286 йилда ўзини Самуил деб атаи бошлади. Шундан кейин унга шимоли-ғарбдаги насронийлар ёрдам кўрсата бошлади.
4. Баъзилар ҳокимиятни эгаллаш учун бир-бирларини ўлдира бошладилар, деярли барча шаҳарлар марказий Куртуба бошқарувидан ажралиб чиқди.
5. Шимолий Африкада Фотимийлар давлати пайдо бўлиб, мамлакатдаги деярли барча суннийлар кириб ташланди. Фотимийлар шиаларнинг энг ашаддий оқимларидан бири бўлган.
6. Яна бир насронийлик давлати – Навара пайдо бўлиб, шимолдан таҳдид сола бошлади.
7. Хижоз, Хуросон, Шом, Табаристон ва бошка мамлакатлар тарқоклашиб кетди. Уларнинг баъзиларида қарромийлар, бошқаларда эса деярли адашганлар ҳокимият бошқарувига келдилар. Аббосийлар фақат Багдодга ва унга яқин баъзи ҳудудларга эгалик қилардилар. Гўёки ҳеч қаердан нажот йўқдек, бирок бу давлатдаги кўп нарсаларни ўзгартира олган одам ўртага чиқди ва Андалус яна бир бор бутун Европадаги энг қудратли давлатга айланди.

УММАВИЙЛАР БОШҚАРУВИ ДАВРИ (300 – 366)

Хижратнинг уч юзинчи йилида Абдуллох ибн Мухаммад ибн Абдуррахмон II вафот этди. Халк ўртасида ички низолар содир бўлаётганди. Абдуллохнинг халифа бўлишга ярайдиган ўгли бор эди, лекин у 278 хижрий йилда ўлдирилганди. Бирок унинг Абдуррахмон исми набираси бўлиб, отаси ўлдирилган пайтда бор-йўги уч хафталик эди. Мана, 22 йил ўтиб тахминан 300 хижрий йилда Абдуррахмон ибн Мухаммад ибн Абдулло ибн Абдуррахмон II хамма нарсани ўзгартириб юборди: заифлик ўрнига кудрат, таркоклик ўрнига бирлик, хорлик ўрнига буюклик кайтиб, Андалусни дунёдаги энг кудратли давлатлардан бирига айлантди.

Уни бобоси такводорликда тарбиялаган, хар бир ишда Аллохга таваккал килиб, доно ва жасур инсон бўлиб етишди. У бор-йўги 21 ёшда эди ва хикмат эгаси бўлган бу йигит тарихни ўзгартириш нима ишларни килди?

1. У вазирларни ва лашкарбошиларни алмаштира бошлади, ахлоксизларни йўқотиб, давлат лавозимларига такводор одамларни тайинлади.
2. У олимларнинг мартабасини кўтариб, ўзи Аллохнинг шариатига бутун вужуди билан бўйсунди. Кунларнинг бирида ўша даврнинг буюк уламси Мунзир ибн Сайид жума хутбасида Абдуррахмон саройининг қурилишига жуда кўп пуллар сарфланиб, исрофга йўл кўйилганини айтди ва мавъизасини шундай давом эттирдик, Абдуррахмон уйга кайтиб “Аллохга касамки, Мунзир факат мени назарда тутиб гапирди”, деб айтди. Аёнларидан бири унга “Агар у сенга маъкул келмаган бўлса, уни олиб ташлайлик”, деди. Абдуррахмон унга эътироз билдириб, “Нахотки мен Мунзир ибн Сайид каби одамни четлатсам? Бунакаси ҳеч қачон бўлмайди! Аллохга касамки, Киёмат кунида Аллох хузурида мени Мунзир каби химоя қиладиган одам топилмайди” деди. Чиндан ҳам уламолар ҳукмдорларнинг тарбияси учун масъулдирлар.
3. У исёнларни бостиришга ва бу ишни муртад Самуилдан (насронийликни қабул қилган Умар ибн Хафсун) бошлашга қарор қилди. Икки ой давомида у Куртуба лашкарларини тўплади ва Самуилдан Устужа шахрини, 2-3 ой ўтиб 70 қалъаси бор Жайан шахрини қайтариб олди. Жайанни қайтариб олиш учун уч ой: Шаъбон, Рамазон ва Шаввал кетди. Муртад Самуилни шимолда насронийлар, жанубда эса фотимий шиалар қўллашарди. Аммо Абдуррахмон улкан мусулмонлар армиясига эга бўлган Ишбилия шахрини ишғол этишга қарор қилди ва шундан сўнг Жанубга юриш қилиб, Гибралтар бўғозини эгаллади ва фотимийлардан келадиган хар қандай мухтамак ёрдам йўлини кесиб қўйди. Шунда Самуил сулх таклиф қилиб, эвазига 162 та қалъани топширишга ваъда қилди. Абдуррахмон муваккат сулхга рози бўлди. Шундай қилиб, Андалуснинг 1/6 қисми Абдуррахмон қўлига ўтди.

Шундан сўнг Абдуррахмон насронийлар шимолдан туриб қўзғолон кўтарган мусулмонларга қарши ҳужум қилганини билиб қолди ва лашкар тўплаб, диндошларига ёрдамга шошилди ва бу юришга икки йил кетди. У Куртубага жуда катта ўлжалар билан қайтди ва халкка хақиқий ҳукмдор қандай бўлиши кераклиги намунасини кўрсатди. У халкка асосий душман насронийлар эканини кўрсатди ва мусулмонларни ўзаро низолардан қайтарди.

304 йилда Куртуба шахрига қайтганида уни хушхабар қутаётганди – Сарагоса шахри ўз ихтиёри билан Абдуррахмонга таслим бўлди.

Самуил 306 йилда 66 ёшида исломга қайтмай, муртад холида вафот этди. Абдуррахмон имкониятдан фойдаланиб, Андалуснинг бутун жануби-шарқий қисмини эгаллайди.

308 йилда Тулейтула шахрига юриш бошланди ва мусулмонлар бу шаҳарнинг химояси жуда мустахам бўлишига қарамай галаба қозондилар. Шу йилнинг ўзида шимолда

насронийларга карши юриш бўлиб ўтди: уч ойлик курашдан сўнг мусулмонлар яна зафар кучдилар ва Салим шахрини ўз назорати остига олдилар.

312 йилда – Навар давлатига карши юриш уюштирилиб, пойтахти Мамбалона забт этилди.

Абдуррахмон 38 ёшга етганда бутун Андалусни бирлаштирди ва насронийларнинг баъзи шахарларини забт этди. 16 йил давомида у бутун давлатни кайтариб олди. Тарихда у Абдуррахмон Носир номи билан колди.

316 йилда Абдуррахмон Носир ўзини мўминларнинг амири, Андалусда халифалик эълон килди. Шундай килиб, хижратнинг 400 йилигача Уммавийлар халифалиги даври бўлди. У бу ишни фотимийлар Шимолий Африкада ўз халифалигини эълон килганларидан сўнг “Бунга мен хаклирокман”, дея амалга оширди. 319 хижрий йилда у Шимолий Африкага юриш килиб, фотимийларнинг 2 та шахри – Танжа ва Сабтани кўлга киритди.

323 йилда Сарагоса шахрининг хокими Мухаммад ибн Хишом насронийлар билан бирлашиб, Абдуррахмонга хиёнат килди.

Абдуррахмон ўша захотиёк калъалардан бирини забт этиб, Мухаммаднинг кўз ўнгида хиёнаткорларни катл этади. Мухаммад ибн Хишом Аллохга тавба килиб, Абдуррахмонга таслим бўлади. Носир унинг узрини кабул килиб, хокимлик лавозимида колдиради. Бу чинакамига ажабланарли воқеа бўлиб, бундан кейин ҳеч қандай хиёнаткорликлар бўлмайди.

325 йилда Арагон давлатига карши юриш Барселонани тўлик қайта кўлга олиш билан яқун топади.

327 йилда эса у юз минг кишилик кўшин бошида туриб, Леон давлатига карши юриш килади ва катта “Хандак” жанги бўлиб ўтади. Бу жангда Абдуррахмон хатога йўл қўяди.

Мисоли Хунайн жанги қайта бўлиб ўтгандек, эллик мингга яқин мусулмон аскарлари ўлдирилади ва асирга олинади. Улар мағлубият аламини тортиб жанг майдонини тарк этадилар. Носир ўз хатосини англаб, ўзи устида ва халк билан ишлашни бошлайди. Уламолар одамларни исломга даъват қилишни бошлайдилар, тўғри эътиқодларни тушунтирадилар ва мусулмонларнинг рухини кўтарадилар, чунки мағлубият мусулмонлар калбларидаги хатоликлар боис содир бўлганди.

329 йилдан 335 йилгача у Шимолга юришлар килади ва насронийларнинг учта давлати жизъя тўлашга рози бўлади. У бутун дунё вакилларини кабул қилиш учун Захро шахрини куради, унда учта касабаси бўлади:

1. Кўрикчилар, муншийлар ва ходимлар учун
2. Вазирлар учун
3. Халифалик саройи, уни бутун дунёдан, шу жумладан, Константинополь, Багдоддан ва бошқа шахарлардан келтирилган қурилиш материалларидан курадилар. Бу саройнинг мусулмонлар мамлакатлари ичра мисли йўқ эди.

Куртуба шахрида ярим миллион аҳоли яшарди, ўшанда бу шахар катталиги бўйича Багдоддан кейин иккинчи ўринда турарди. Шахарда 13 мингга участкали уйлар, 28 та катта истирохат боғи, уч мингта масжид, хайвонот боғлари ва кўплаб бошқа иншоотлар бор эди. У Куртуба шахридаги масжидни хаддан зиёд кенгайтириб юборди.

У барча шахарларда курол-аслаха устахоналарини барпо этди, дехкончиликни ривожлантирди, унинг 200 га яқин кемаси бор эди. Мамлакатда олтин, қумуш казиб чиқариларди, бозорлар очиларди, шунингдек, кундузги, тунги ва денгиз миршаблари хизмати ташкил этилганди. Миршаблик тузилгани боис кўплаб исён ва кўзғолонлар тўхтади. У апелляция судларини ташкил этди. Абдуррахмон Носир шунингдек,

Куртубадаги кутубхонани кенгайтирди, унда 400 мингга якин китоб сакланарди. У халифа бўлган даврда янги касб-хунарлар пайдо бўлди.

Европадан тинмай делегациялар келарди: Германия, Италия ва бошқа мамлакатлар дўстлик истардилар, катта-катта совгалар тухфа этардилар. Англия киролидан хатто фарзандларининг Куртуба университетиде ўқишига ижозат берилишини сўровчи мактуб хам келди.

Абдуррахмон Носир 300-350 йилларда хукмдорлик килди, У ўрта асрларнинг Европадаги энг буюк кироли бўлган. У 350 хижрий санада 72 ёшида вафот этган. Канчалик буюк ва давлатманд бўлишига карамай, у жуда такводор инсон эди, тез-тез истигфор айтиб турарди. Бир куни шундай воқеа содир бўлди: Андалусда узок вақт кургокчилик давом этгани боис мусулмонлар ёмгир сўраб далага чиқдилар (солатул-истиско). Уларни бошлаб чиққан имом Мунзир ибн Сайид одамлар орасида Абдуррахмонни кўрмай, саройга бир болани чопар килиб жўнатди. Бола саройга югуриб келиб Абдуррахмонни ерда, жун матодан тикилган либосда, йиглайвериб кўз ёшлари соқолини хўл килиб ташлаган холда топди. У Аллохга муножот килиб: “Эй Парвардигорим, мана менинг тожим – Сенинг Кўлингда! Нахотки мен каби осий банданг туфайли менинг гунохларим учун халкимни жазоласанг? Ахир Сен Алийм ва Хаким Зотсан. Ё Парвардигоро, менинг гунохларим учун халкимни жазолама”, дея дуо килганини эшитган бола ортга кайтади ва Мунзир ибн Сайидга кўрган-эшитганларини айтиб беради. Мунзир унга: “Хой бола, суюн ва одамларнинг олдига бор ва ўзинг билан ёмгирни олиб кет, чунки Аллох ёмгирнинг ерга ёгилишига ижозат берди. Бу заминдаги буюк инсон таслим бўлган экан, Буюк Холик одамларга Ўз раҳматини аямайди”. Абдуррахмон Носирнинг вафотидан сўнг унинг кундалигини очиб кўришганида, умри бўйи 14 кун истирохат олишга имконияти бўлгани маълум бўлди.

Ундан кейин унинг ўгли Хакам ибн Абдуррахмон 47 ёшида тахтга ўтирди ва 16 йил хукмдорлик килди. Унинг ўзи олим эди ва уни “китоб ишкибози” деб атардилар. Унинг даврида барча фан соҳаларда улкан юксалишлар бўлди. У яна битта “Ал-Мактабатул-Амавия” (Уммавийлар кутубхонаси) кутубхонасини барпо этди. У турли соҳалардаги илмий китобларга минг динордан пул тўлар ва бу китобларни асосан ўзларининг хуснихати билан танилган андалуслик хаттот аёллар таржима килиб кўчиришарди. Улар билим таркатиш билан шугулланардилар.

Андалус аёлларининг хуснихати бутун дунёга маълум бўлган ва кўпчилик хатто атайлаб уларнинг хуснихати билан битилган китобларни сотиб олиш учун келардилар. Когоз ва сиёх ишлаб чиқариш соҳаси хам жуда ривожланди. Хатто Рим Папаси коғозни Андалусдан сотиб оларди.

Камбагаллар бепул ўкитиларди. Унинг даврида илк бор олимларга улар савдо ва тижоратга чалгимай фақат билимини ошириш билан машгул бўлишлари учун маош тўлана бошлади. Насронийларнинг Андалусга хужум қилишга уринишлари хам бўлиб турди, бироқ у зудлик билан кўзголон ва хужумларни бартараф қиларди. Ўзининг хукмдорлиги пайтида Шимолий Африкага юриш килиб, Магрибнинг барча ўлкаларини забт этди.

АМИРЛАР БОШКАРУВИ ДАВРИ ВА ДАВЛАТДАГИ ГАЛАЁНЛАР (366-412)

Хакам ибн Абдуррахмон ўлими олдидан катта хатога йўл кўйди: у тахтга ворис этиб 12 ёшли ўгли Хишомни колдирди. Бу воқеа 366 хижрий йилда содир бўлди. Валиахд жуда ёш бўлгани боис унга уч кишини васий қилиб тайинлади:

1. Онаси Субх
2. Ички ишлар вазири – Мухаммад ибн Аби Амир
3. Бош вазир Хожиб Жаъфар ибн Усмон Мусхафий.

Шундан сўнг ички ишлар вазири бош вазирни зиндонда ташлайди ва катл этади ва бу ишни у жуда айёрлик ва кабиҳлик ила амалга оширади.

Амалда унинг ўзи – вазир Мухаммад ибн Аби Амир ҳукмдорлик қиларди. Бу шахс – Мухаммад ибн Аби Амир Андалус тарихидаги улкан сўрок белгиси бўлиб қолган: у қандай қилиб мусулмонларни зимдан ўлдириш каби кабиҳ ишлар билан бирга насронийларга қарши муваффақиятли юришларни амалга ошириш каби сифатларни ўзида жамлаган бўлиши мумкин?

Ҳукмдорлик тизгинини эгаллаш йўлида у жуда кўп одамларни катл этган, бироқ айнан у Андалусни бошқариб келганди. Ўз мавқеини қучайтириш учун у Андалус армиясининг генерали Голиб ибн Абдуррахмоннинг кизига уйланди ва бирмунча вақт ўтиб у армияни ўзига бўйсундириб олиш учун қайнатасини ҳам ўлдиради.

371 хижрий йилда Мухаммад ибн Аби Амир ўзини Хожиб Мансур деб атаёт бошлади.

Одатда бундай исмларни ўзларига халифалар қўйишарди. Унинг амрига кўра хутбаларда унинг номи қўшиб ўқиладиган бўлди. У Куртубадан шарқда жойлашган янги Захира шахрини қурди ва пойтахтни ўша ерга қўчирди. Боз устига, унинг буйруғи билан тангаларни унинг номи билан зарб эта бошладилар.

391 йилда хали халифа бўлмаёт туриб у Хишом устидан шафеъликни ўз ўгли Абдулмаликка топширади.

396 йилда у ўзини Маликул-Карим деб атаёт бошлади. Бундан буёғига у барча муҳим лавозимларга фақат ўзининг қабиладошларини тайинлайдиган бўлди ва армияга ҳам асосан барбарларни тўплади.

392 йилда у вафот этади. Барча салбий жихатлар ва қон тўқилишларга қарамай, у энг юқори даражадаги жангчи бўлган эди. У Шимолга 54 марта юриш қилиб, барчасида галаба қозонди. У Шимолдаги кўплаб ерларни фатх қилди ва Леон давлатини ўзига бўйсундирди. Бир сафар у бор-йўғи уч нафар муслима аёлни асирликдан озод қилиш учун бутун лашқарини насронийларга қарши қўтарди, чунки ўшанда улар ўртасида мусулмонларни асирга олиш мумкин эмаслиги тўғрисида шартнома бор эди. У Куртуба шаҳридаги масжидни қенгайтирди ва унинг даврида кўзголон ва исёнлар бўлмади. У ўзига юришлардан қайтганида чопонидаги қангни бир шиша идишга қоқишни одат қилиб олди ва ўлганида бу идишни ўзи билан бирга қабрга қўйишни амр этди.

Унинг ўгли Абдулмалик Хишомга васий эди ва ўша пайтда халифа 38 ёшга кирди, бироқ Абдулмалик 399 йилда ҳарбий юришлардан бирида вафот этади ва унинг ўрнини укаси Абдуррахмон эгаллайди. У ичувчи ва зинокор бўлгани учун халқнинг назаридан қолган эди. Халифа Хишомни алдаб, шартномага қўл қўйдириб олади, ҳужжатда унинг ўлимидан кейин Абдуррахмон халифа бўлиши қўзда тутилади. Бу шартнома ҳақида эшитган халқ қаттиқ қазабланиди, аммо унинг қучи йўқ эди. Бир сафар ўша Абдуррахмон юришлардан бирига сарқарда бўлиб қетганида Уммавийлар вазиятдан фойдаланиб, халифа саройига қирадилар ва Хишомни ағдариб, ўрнига Уммавийлардан бўлган ўз одамни қўядилар. Бу одамнинг исми Мухаммад ибн Хишом ибн Абдулжаббор ибн Абдуррахмон Носир султон Носирнинг эвараси эди. Ана шундан кейин давлат таназзулга

юз тутишни бошлайди. Аслида эса давлат таназзули анча вақт олдин, Абдуррахмон Носир давридаёқ бошланганди. Бунинг сабаблари куйидагилар эди:

1- сабаб: улкан бойлик ва ҳаётга кўнгиш кўйиш.

“Аз-Захро” саройи бошдан-оёқ тилла ва қумуш билан жиҳозланганди. Мусулмонлар олтинларни ва ўлжаларни сигдира олмай, қаерга кўйишни билмай қолдилар. Қунлардан бирида Абдуррахмон Носир аёнлари ва шаҳарлар ҳокимлари қуршовида ўзининг олтин саройида ўтирар экан, “бунақанги саройни бирор киши қурганини биласизларми?” деб сўрайди. Бунга жавоб улар “йўқ, биз бунинг мислини қўрмаганмиз ҳам эшитмаганмиз ҳам”, деб жавоб берадилар ҳамда бу шаҳарни ва саройни қурган халифани қўқларга қўтариб макташни бошлайдилар.

2-сабаб: Бор-йўғи 12 ёшга қирган Хишом валиаҳдликка тайинланди

3-сабаб: Ҳарбий юришлардан мақсад ўлжа тўплаш бўлиб қолди.

Уммавийлар тахтга ўтказиб қўйган Муҳаммад ибн Хишом яхши раҳбар эмасди. У яманликлар ва барбарларни ўлдирди бошлади. Барбарлар Муҳаммадга қарши Шимолдан ўзларининг одамани – Абдуррахмон Носирнинг авлодидан бўлган Сулаймон ибн Хақамни олиб келиб, ўзларига бошлиқ этиб тайинлади. Шундан сўнг қарама-қаршилик авж олди. Қучлар тенг эмас эди. Барбарлар Кастилия қиролидан ёрдам сўрадилар ва галаба қозондилар. Сулаймон мамлакатда ҳокимият тизгинини қўлга олди. 22 йил ичида (399 хижрий йилдан бошлаб) 13 та халифа алмашди.

Муҳаммад ибн Хишом Тартуша шаҳрига қочиб, бир яманлик билан бирлашди ва улар биргаликда Барселона қиролидан ёрдам сўрагани жўнадилар. Оқибатда улар Сулаймонни мағлуб этдилар. Бироқ бу яманлик Муҳаммад ибн Хишомни ўлдирди ва ҳокимиятни ўз қўлига олади. Бу яманлик Хишом ибн Хақамни қайта тахтга ўтказиб, унга васийлик қила бошлайди. Шу пайтда Сулаймон яна бир бор Кастилия қиролига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Қирол эса халифа Хишомга мурожаат қилиб: “Сулаймонга ёрдам бермасам, менга нима берасан?” деб сўрайди.

Халифа бунинг эвазига Шимолдаги барча қалъаларни бериб юборади. Бир-бирини ағдараётган султонлар боис ҳато ортидан ҳатолар содир этилади.

Сулаймон 403 йилда лашқар тўплаб Қуртуба аҳлига ҳужум қилади, яманликлар Балансияга (Валенсия) қочадилар. Сулаймон халифа Хишомни ағдаради ва 4 йилдан сўнг барбарлар Сулаймонни ағдариб, ўрнига барбарлардан бўлган Али ибн Ҳамудни қўядилар.

Ҳокимиятни ағдариш ва ўзаро низолар хижратнинг 412 йилигача давом этади.

412 йилда уламолар, қабила оқсоқоллари тўпланиб, Уммавийлар бошқарувини бекор қилишга қелишиб оладилар ва қенгашга раис этиб Абул-Ҳазм ибн Жуавхани сайлайдилар. Бироқ бу қенгаш фақат Қуртуба шаҳрини назорат қила оларди. Уч-тўрт йил ўтиб Андалус парчаланиб, етти қисмга бўлиниб кетади. Кейинроқ эса улар ўрнида яна 22 та майда мустақил давлат пайдо бўлади.

ПОДШОХЛАР ГУРУҲИ ДАВРИ (422 – 478)

Гўёки ҳеч қандай умид йўқ, қаердан ёрдам қелиши номаълум, ушбу бошбошдоклик

даврида вазият яхши томонга кандай ўзгариши мумкин? Андалус тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу каби саволларнинг тез-тез юзага келиши табиий. Мусо ибн Нусайр фатхлари даврида юксалиш бўлган, шундан кейин волийлар бошқаруви даврида таназзул бўлди; сўнгра Абдуррахмон Дохил даврида яна юксалиш ва шундан кейин яна кулаш; кейин Абдуррахмон Носир даврида яна юксалиш ва ундан кейин яна тушкунлик. Бунака холат нафакат Андалусда, балки бутун Ислом тарихида кузатилади...

Мусулмонларнинг энг катта мусибати шундан иборат эдики, улар бир-бирларига карши уруш олиб бориш учун насронийлардан ёрдам сўраб мурожаат килардилар.

Мазкур кичик калъаларнинг барча хукмдорлари Кастилия кироли Алфонсо VI га хирож тўларди, илло Батлайос давлатининг хукмдори Мутаваккил ибн Афас тўламасди холос. Кунлардан бир куни Алфонсо унга чопар юбориб, “Бошқалар каби хирож тўла”, деб ёзилган номани топширди ва Мутаваккил унга шундай жавоб кайтарди:

“Кўлимизга румликларнинг буюк кироли номидан дахшатли тахдидлар битилган нома келиб тушди. Аммо кошки эди у Аллохнинг буюк лашкари борлигини ва У бу кўшин ёрдамида ислом динини кўллаётганини ва зафар козонувчи килиб кўйганини билганида эди. Улар кофирлар олдида буюк ва мағрурдир. Улар Аллох йўлида жанг килиб, ҳеч кайси одамлардан кўркмаслар. Улар тавба ва итоаткорлик билан Аллохга яқиндилар. Бордию Рум юлдузи хозир порлаб колган бўлса, бунга Аллох изн берган ва бу Аллох хақикий мўъминлар кимлигини билиш, ярамасларни мўминлардан ажратиш ва кимнинг мунофиқлигини билиш учун килган. Сен (о, Алфонсо) кўраётган ахвол факат бизнинг гуноҳларимиз самарасидир. Агар бизнинг сўзимиз бир бўлганида эди, сен билан нима килишимизни оталаринг каби кўрган бўлардинг. Чиндан ҳам бобонг ўзини мусулмонларнинг юришидан ихота килиш учун ўз кизини тухфа сифатида юборганди. Агар биз жуда озчилик ва махлуклар ёрдамидан мосуво бўлганимиз тақдирда ҳам, ўртамизда денгизлар ва тўсиклар йўк. Ўртамизда факат киличлар ва жанглар бор. Биз нусратни факат Аллохдан оламиз, у бизга ёрдам беришга ошикаётган фаришталарни юборади. Ва сизлар биздан икки нарсани кутишингиз мумкин: сизнинг устингиздан зафар козонишимиз ёки Аллох йўлида жонларимизни фидо килиб Жаннатга киришимиз. Аллохнинг хузурида сен таклиф килаётгандан ҳам зиёда яхшиликлар бор, Аллох бизни гамдан йирок килиб, устингизда фатхни яқин килади!”

Ушбу мактубдан сўнг Алфонсо бирор марта бўлса ҳам унинг ерларига кирмади. Шу пайтнинг ўзида Сарагоса хукмдори вафот этиб, ундан икки ўгил қолади. У ўгиллари хафа бўлиб колмасликлари учун давлатни икки қисмга бўлиб, икковига беради. Шундан кейин ўртадаги чегарани белгилаб олиш борасида тортишувлар бошланади, ака-ука бир-бирига карши чиқиб Арагон давлатидаги насронийлардан ёрдам сўрайди. Улар рози бўлиб Сарагоса йўлида Бербештер шахрига фожиали хужум уюштирадилар. Кирк кун давомида улар мусулмонларни камалга олиб, биринчи куннинг ўзида кирк минг мусулмон бўғизланади. Етти минг муслима асирга тушади ва кейинчалик Византия киролига ҳадя сифатида юборилади.

456 йилда Балансия (Валенсия) шахрида 60 минг мусулмон катл этилади. Бу Андалус тарихидаги энг фожиали сахифалардан бири бўлиб колди.

Ўша пайтда ҳам ахволни тузатишга уринган буюк алломалар бўлган, бироқ натижа бўлмаган. Уларнинг орасида Ибн Хазм, Ибн Абдул-Барр, Ибн Хаъан ва бошқалар бор эди. Улар хукмдорларни насронийларга карши бирлашишга чақирдилар, бироқ тахт истагида ҳеч ким кулок солмади.

478 йилда Тулейтула шахри мағлуб бўлди, шундан кейин бутун Ислом дунёси ларзага

келди. Таназзул куйидагича содир бўлди: шимолдаги насронийлар хукмдорларидан бири ўз халкининг газабига учраб, Тулейтула шахрига кочиб келиб, мусулмонлар хукмдоридан бошпана сўради. У шахарда тўккиз ой яшади. Бу номи баланд мусулмон хокими насронийга бутун шахарни кўрсатди, Аллохнинг душманларига кўрсатилиши мумкин бўлмаган нарсаларни кўрсатиб, уни ўзига дўст тутди. Шундай қилиб у тўккиз ой давомида барча сирларни билиб, ўз юртига қайтди ва яна қайта хоким бўлиб олади. Унинг биринчи қилган иши лашкар тўплаб, Тулейтула шахрига хужум қилиш бўлади ва максадига эришади.

Шундан кейин жанубдаги Ишбилия шахри камалга олинди. Бирок насронийлар нима учун шимолдаги калъалар қўлга олинмай туриб жанубга юриш қилдилар?

Кунлардан бир кун кирол Алфонсо Мўътамид Алаллох олдига хирож ундиргани элчиларни жўнатади. Элчиларга рахбар этиб яхудий тайинланган бўлиб, у мусулмонлардан хирож ундиришдан ташқари киролнинг яна битта амрини етказишга вакил қилинганини билдиради. Кастилия киролининг хотини хомиладор бўлиб, у боласини Куртуба масжидида тугишни ихтиёр қилади. Табиий, яхудий бунга рад жавобини олади ва бундан аччикланиб мусулмонлар амирига карата бақариб, унинг шаънини тахқирлашга ўтади. Яхудийнинг боши кундага қўйиб кесилади ва элчилар асирга олинади. Мўътамид киролга мактуб ёзиб, бундан кейин хирож тўламаслигини ва ҳеч ким мусулмонлар масжидида бола тугмаслигини билдиради. Кастилия кироли газаб отига миниб, бу шахар устига лашкар тортади. Калъа атрофидаги кўплаб кишлокларга ўт қўйилади ва кирол Алфонсо Ишбилия хокимига мактуб ёзиб, куйидагиларни билдиради: “Сенинг шахрингни камал қила туриб пашшаларни хайдаб чарчадим. Қўлингдан келса, сани калъанг қулашини томоша қилиб туришимга халакит бераётган пашшаларни хайдашга бирор нарса юбор”.

МУРОБИЙЛАР ДАВЛАТИ

Кирол Алфонсонинг Сенинг шахрингни камал қила туриб пашшаларни хайдаб чарчадим мактубига жавобан: “Аллохга касамки, агар қайтиб кетмасанг, сўраган нарсангни муробитлар давлатидан келтириб юбораман” деган. Шундан кейин кирол Алфонсо ортига ўгирилиб лашқари билан қайтиб кетди.

Кирол Алфонсо Ҳни бунчалик кўрқитган нима бўлди?

Кастилия киролини Шимолий ва Шимоли-Гарбий Африка худудида жойлашган чодирчилар давлати дахшатга солди. 478 йилда бутун Андалуснинг мусулмонлари анжуманга тўпландилар, унда 22 та давлатнинг вакиллари бор эди. Уламолар Кастилия киролига қарши уруш очишни таклиф қилдилар, бирок хукмдорлар бош тортдилар. Шундан кейин уламолар Шимолий Африка мусулмонларидан ёрдам сўрашни таклиф этдилар, бирок хукмдорлар яна бош тортдилар. Шунда Ишбилия шахрининг хокими ўрnidан туриб: “Аллохга касамки, мусулмонлар мени минбарлардан туриб менга лаънат ёғдиришларини истамайман. Мен Европада чўчка бокканимдан Магриб сахроларида туя бокканим яхши”, деб айтди. Шундан кейин яна икки шахар – Батлайос ва Гарнота хокимлари ўрnidан турдилар, аммо қолганлар ўз райидан қайтмадилар. Мазкур уч хоким

Шимолий Африкага элчилар гурухини жўнатдилар ва бу хижратнинг 478 йилида содир бўлди...

Бу давлат қандай пайдо бўлди?

Буни билиш учун ўтмишга, 38 йил ортга, хижратнинг 440 йилига қайтамыз. Мавритания сахросининг юраги. Ўша пайтда бу заминда барбарлар истикомат қилардилар. Айнан ўша худудда улар (барбарлар) “сунхаж” деб аталардилар ва иккита катта – “жудала” ва “лантуна” кабиласига бўлинардилар. Ва ўз кабиласининг етакчиси Яхъё ибн Иброхим Жудала бор эди. У яхши ва олийжаноб мусулмон эди. Бирок у яшайдиган жойда ичкиликбозлик, фахш, одам ўлдириш ва зулм кенг тарқалган эди. У кўл ковуштириб ўтирмай ахволни тузатишга қарор қилди. Ва бир куни у хажга отланди ҳамда Шимолий Африкадаги моликийлар мазхабининг маркази бўлмиш Тунисдаги Қайраван шаҳридан ўтар экан, моликийлар мазхабининг энг катта алломаларидан бири бўлган Абу Умрон Фосий билан учрашиб қолди.

У Фосийга кабиласида юзага келган ахвол ҳақида сўзлаб берди ҳамда ўзи билан бирорта шогирдини юбориб, ахволни тузатишга ёрдам беришни сўради. Аллома рози бўлиб, унга Абдуллох ибн Ёсинни қўшиб берди. Абдуллох ибн Ёсин кабилалар худудига етганида амри маъруф ва нахъий мунқарни бошлаб юборди. Бирок кабила ахолиси ахлоксиз, иймони заиф бўлиб, даъватчини ҳақорат қила бошлади, ҳатто қалтақладилар ва агар шаҳарни тарқ этмаса ўлдиришларини айтиб пўписа қилдилар. Охир-окибат уни шаҳардан ҳайдадилар ва Абдуллох йиглаб Аллохга муножот қила бошлади. У қаерга боришни ва нима қилишни билмас эди.

Бирок шундан сўнг у жануб томонидаги Сенима учун давлати томонга қараб йўл олишга қарор қилди ва жунгли ўрмонлар орқали ўтиб, дарё бўйига тўхтади ва ўша ерда чодир ўрнатиб яшай бошлади. Кишлоқдагиларга мактуб юборди: “ким Шариат илмидан таҳсил олмокчи бўлса, мен фалон ердаман...”

Баъзи одамлар унинг олдига келмокчи бўлдилар, бирок кабиладошларининг газабидан кўркдилар. Лекин ҳар ҳолда тўрт киши яшаб турган кишлогини тарқ этиб, унинг олдига бордилар. Шайх Аллохга таваққал қилиш, баъзи турмушга оид нарсалар, тирикчилик ўтиши учун ов қилишни ўргата бошлади. Бирмунча вақт ўтиб улар кишлоқдаги ўзларига яқин одамларни ҳам бошлаб келдилар ва аввалига уларнинг сони ўнтага, кейин йигирматага етди.

Шундан кейин улар битта чодир ўрнатдилар, ундан кейин иккинчи, учинчи чодирларни ўрната бошладилар ва қичкина чодир шаҳарчаси пайдо бўлди.

Одамлар сони икки юзтага, кейин уч юзтага етди ва Абдуллох ибн Ёсин ҳар бир киши билан алоҳида дарс ўтиш имконияти йўқолди. У одамларни бешта-бештага бўлиб, ҳар бир гуруҳга биттадан энг яхши шогирдини халфа қилиб тайинлади.

Араб тилида “Ал-Хайма” сўзи риботни, яъни робатани (ниманидир боғламок) англатади ва Исломда рибот – бу чегарачиларнинг мусулмонлар худудини кўриклаш учун чиқишни билдиради ва шунинг учун улар ўзлари муробитлар деб атай бошладилар.

Уларнинг сони аста кўпайиб 445 йилда Аллох уларга бир одамни Ўзидан тухфа қилиб берди - “лантуна” кабиласидан Яхъё ибн Умар Исломни қабул қилиб, ўз кабиласини ҳам Исломга даъват қилади ва уларнинг барчаси Аллохнинг динини қабул қилдилар.

Шундан сўнг муробитларнинг сони етти минг кишига етди. Маълум муддат ўтиб Яхъё ибн Умар вафот этиб, унинг ўрнига Абу Бакр ибн Умар Лантуний кабила бошлиги бўлади.

451 йилда уларнинг сони роппа-роса ўн икки минг кишига етди. Ва бу 11 йил муддат

ичида содир бўлди. Тўкнашувларнинг бирида Абдуллох ибн Ёсин шахид бўлди. Бу кичик бир чодирдан бошланган ўн бир йиллик фаолиятдан кейин содир бўлди. Тарихда бу чодирчилар давлати номи остида колди.

453 йилда Абу Бакр ибн Умар Лантуний Сенима учун мусулмонлари орасида зиддиятлар бошланиб, бир-бирларига карши уруш ҳаракатларини бошлаганларини эшитиб колди. Шунда у мусулмонлар лашкарининг ярмини олиб Жанубий Сенимага муаммоларни ҳал этиш учун йўл олади. Мавританияда унинг ўрнига амакиваччаси Юсуф ибн Тишфин колади. У муаммоларни ҳал қилиб, ўзаро низоларни бартараф этганидан сўнг, Сениманинг ортига караб юрди ва у ерларда жохиллиги туфайли хануз мушрик бўлиб яшаётган кўплаб кабилаларни учратди. Ўша ерларда Аллохнинг динига даъват қила бошлади. Африка жанубида 15 йил бўлиб, 468 йилда ортга қайтди.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Абу Бакр Жанубий Мавританияни тарк этар экан, ўзининг ўрнига амакиваччаси Юсуф ибн Тишфинни колдириб кетган эди. Юсуф уни бир ҳафта, бир ой, бир йил кутиб Шимолий Африкага даъватга йўл олишга қарор қилди. У ерда кўп ажабланарли ҳолатларни кўрди: бир одам ўзини исломий пайгамбар деб эълон қилган экан. Бу қаззоб беш вақт намознинг ўрнига икки вақт намоз қифоя қилади, деб эълон қилган, барбар тилида янги Куръонни ўйлаб чиқарган, таҳорат ва гуслни, шунингдек, ҳаж зиёратини бекор қилган, қуш тухумини, сўйилмаган балиқни ҳаром қилиб, ургочи тўнғиз гўштини ҳалол деб эълон қилган экан. Одамлар унга эргашиб, хақиқий ислом шу экан дея ишона бошладилар. Унинг исми Хайим ибн Маъналлох эди.

Бошқа кабилада Солих ибн Тариф исмли одам чиқиб, у ҳам ўзини пайгамбар деб эълон қилган ҳамда эрта тонгда беш маҳал ва шомда 5 маҳал намоз ўқишга буюрган, таҳорат олаётганда киндик билан ёнбошни ҳам кўшиб ювишга, хотинликка ҳар қандай муслима бўлмаган аёлларни олишга ва уларнинг сонини тўртта билан чекламасликни йўлга қўйган эди. У шунингдек, эркаклар албатта қокилларини ўриб юришлари керак деб айтган. Бу қаззобнинг ўзи эса яҳудийнинг набираси бўлган.

Баъзи кабилалар қўйга, бошқалар яна нимагадир сигинар ва шундай йўл билан одамлар даҳшатли жохиллик ботқоғига ботиб қолгандилар. Юсуф ибн Тишфин Аллохнинг Калимасини олий қилиш учун даъватни бошлаб юборди ҳамда Мавритания, Сенима, Марокаш, Тунис, Жазоирни бутунлай забт этди. Унинг лашкари орасидаги чавандозларнинг ўзи юз мингдан ошиб кетди. Юсуф Марокашдаги бандаргоҳ шаҳарларидан бири бўлган янги Марокаш шаҳрини қурди ва биринчи навбатда у ерда паҳсадан масжид қурди. Бу ишда у Пайгамбаримиз алайҳи саломдан ўрнак олган ҳолда ўзи иштирок этди. Абу Бакр 15 йилдан сўнг қайтиб қелганида буларнинг барчасини қўриб, “Аллохга қасамки, амирликка мендан кўра сен муносиброксан” деб айтди. Шундан кейин Абу Бакр бошқарувни Юсуфга топшириб, Африка Жанубига Аллохнинг даъватига йўл олиш учун ижозат олди, холбуки у шу чоккача Буркина-Фасо, Сьерра-Леоне, Габон, Камерун, Нигер, Того, Мали, Нигерия каби 15 га яқин давлатни фатх этганди.

Ибн Касийр ўзининг машҳур “Ал Бидоя ван-Нихоя” китобида шундай деб ёзади: “Абу Бакр ибн Умар марказий ва Жанубий Африкада жиходга даъват қилганида, ярим миллион мусулмонлар унинг даъватига лаббай деган”.

481 йилда бўлиб ўтган газотларнинг бирида Абу Бакр Лантуний шахид бўлдилар.

Энди хижратнинг 478 йилига қайтайлик: бу вақтга келиб Юсуф ибн Тишфин Африканинг улкан қисмини (2/3) фатх этиб бўлиб, ўзини Амрал-муслимин деб атай бошлайди (Аббосийларнинг қонуний унвонига тажовуз қилмаслик учун

амирал-мўъминийн эмас, холбуки, ўша пайтда Аббосийлар факат Богдоднинг ўзига эгалик килишарди). У мусулмонлар бирлигини биринчи ўринга кўяр, унвон билан иши йўк эди. Бундан фаркли ўларок Андалус 22 та майда давлатга бўлинган ва хар бирининг хукмдори ўзини амирал-мўъминин деб атар ва шу билан бирга насронийларга хирож тўлар эдилар.

Бир канча вақт ўтиб Юсуфнинг олдига Андалусдан элчилар келиб ёрдам сўрадилар. У бу илтимосдан хурсанд бўлди ва ўзи билан атиги 7 минг навкарни кемаларга ўтказиб, Андалусга караб йўл олди. Улар Гибралтарни кесиб ўтаётганларида кучли бўрон бошланади. Юсуф Аллохга илтижо килиб, “Ё Аллохим, агар бизнинг ушбу юришимизда хайрият бўлса, бўронни даф қил, агар хайриятлик йўк бўлса, кемаларимизни чўктириб юбор”, дея дуо қилди. Шундан кейин бўрон тинди. Аллох билан Юсуф Тишфин ўртасидаги ришталар накадар кучли эди!

Шундан кейин у лашкари билан бирга Гарнота, Куртуба каби шаҳарлардан ўтиб Андалус шимолига йўл олади ва жанг бўлаётган ерга етиб келади. Шу пайтга келиб унга йигирма уч минг киши кўшилади ва уларнинг сони ўттиз мингга етади. Улар “Заллак” дея аталувчи ерга етиб келдилар ва шу ерда Юсуфга унинг ўгли вафот этгани хақида хабар етиб келади. Юсуф бу синовни сабр ила енгади. У ўзи билан энг яхши мужохидларни олган, хатто мудофаа вазири Довуд ибн Аиша ҳам у билан бирга эди.

Шу пайтга келиб Алфонсо VI бутун Европадан олтмиш минг аскар тўплайди ва Рим Папаси унга ушбу жангда иштирок этган барча насронийлар гунохларидан фориғ бўладилар, деб ваъда қилади. Ўша пайтда жанг олдидан карама-карши томонлар бир-бирларига нома йўллашлар урф бўлганди. Ва Кастилия кироли шундай сўзларни тилга олди: “Бунака кўшин билан мен нафакат одамлар ёки жинларга қарши, балки фаришталар ва Мухаммад ва унинг сахобаларига қарши жанг қиламан”.

Юсуф ибн Тишфин эса Алфонсога шундай деб ёзади: “Бизга етиб келган хабарларга кўра, Сен Парвардигорингдан гўё агар кемаларинг бўлганида денгизни сузиб ўтиб муробитлар давлатини парчалаб ташлардим, деб илтижо қилган экансан, бироқ биз ўзимиз денгиздан сузиб ўтиб олдинга етиб келдик ва энди сен ўз илтижоларинг натижасини кўражаксан...”.

Тун зулмати чекиниб уфқда Алфонсонинг кўшинлари кўринади, лекин мусулмонлар жангга шай турган бўладилар. Олдинга мусулмонлар кўшинига Ишбилия хокими Муътаид саркардалик қилади – Юсуфдан ўн беш минглик кўшин билан биринчи бўлиб жангга киришга ижозат олади. Кўшиннинг ўн бир минг кишилик Юсуф ибн Тишин бошқарган иккинчи қисми адир ортида яшириниб олади. Кўшиннинг учинчи қисми тўрт минг кишидан иборат суданлик найзабозлар эди.

Шундай қилиб, бомдод намозидан сўнг жанг бошланди, унда Алфонсонинг олтмиш минг кишилик кўшини Юсуфнинг ўн беш минг кишилик кўшини билан тўқнаш келади. Улар аср намозигача сўқишадилар ва лашкарнинг биринчи қисми Алфонсонинг зарбаларига дош беради ва ана шундан кейин Юсуф ўз лашкарининг ярмини ёрдамга, иккинчи ярмига эса душман ортига, насронийларнинг чодирларига ўт кўйгани жўнатади.

Буни кўрган насронийлар чекинишни бошлайди ва шом намозидан олдин Юсуф суданликларга Алфонсонинг лашкарини охиригача тор-мор қилишга буюради. Юсуфнинг биринчи зарбасидан 10 минг насроний халок бўлади, кўшинларини яшириш бўйича бу режа тарихда илк бор Холид ибн Валид розиаллоху анху томонидан Форсларга қарши амалга оширилган эди. Худди шу усулни сахоба Нўъмон ибн Мукаррин розиаллоху анху форсларга қарши ишлатган. Насронийларнинг олтмиш минглик кўшини деярли бутунлай

тор-мор этилди.

Тарихда бу жанг дорул-харбнинг хислати ва жуда кўп тўкилган кон туфайли “Заллак” (сирпанувчи) номи остида колди. Муслмонлар зафар козониб жуда катта ўлжаларга эга бўлдилар, Юсуф ўлжанинг хаммасини махаллий андалусликларга колдирди. Ушбу жанг пайтида Юсуф 79 ёшда эди. У Африкага кайтганида андалусликлар яна ўлжа ва янги худудлар илинжида ўзаро урушларни бошладилар ва натижада кўпчилик уламолар Юсуфнинг олдига келиб ундан ушбу бошбошдокликларга чек кўйишни сўрадилар. Уламолар муслмонларни куч ишлатиб бўлса ҳам бирлаштириш лозим деган мазмунда фатво чикардилар. Юсуф ибн Тишин тўрт йил ўтиб 483 йилда яна Гибралтарни кесиб ўтади, бироқ бу сафар унга андалусликларнинг ўзлари каршилиқ кўрсатадилар, холбуки якин ўтмишда Юсуф уларга насронийларга карши урушда ёрдам берганди. Бироқ андалусликлар маглуб бўлдилар ва Юсуф бутун Андалусни ўзига бўйсундирди ҳамда Испаниядан Марказий Африкагача бўлган улкан худудни бошқара бошлади.

МУРОБИЙЛАР ВА МУВАХХИДЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ФАРК (500 – 541)

Алфонсо VI “Заллак” газотидан сўнг икки ой ўтиб вафот этади ва унинг ўрнига ўгли тахтга ўтиради. Шу билан бирга, Юсуфнинг ўрнини унинг ўгли Али ибн Юсуф ибн Тишин эгаллайди.

501 йилда салбчилар ва муслмонлар ўртасида яна уруш бошланиб, муслмонларнинг кўли баланд келади. Жанг Али ибн Юсуф саркардалиги остида ўтади ва бу олишувда насронийлардан 23 минг киши халок бўлади.

509 йилда муслмонлар Балеар оролларини кайта ишгол килдилар.

512 йилда Шимолий Африкадаги муробийлар давлатида исён кўтарилади. Окибатда муслмонлар Андалусдаги иккита жангда маглуб бўладилар. Таназзулга бу дунё зийнатларига кўнгил кўйиш, муслмонларни йўлдан адаштирувчи маъсият уммонига гарк бўлишлари сабаб бўлди.

Бунинг устига улкан иктисодий инкироз содир бўлди, йиллар давомида ёгингарчилик бўлмади ва шу важдан хосил нобуд бўлиб кишлок хўжалиги синди.

Шуларнинг бари сабабли муслмонлар 514 йилда “Катанда” ва 523 йилда “Кулейя” газотларида салбчилардан маглуб бўлдилар. Ўша вақт барбар-масмудлар кабиласидан Мухаммад ибн Тумирт исмли одам пайдо бўлди. У диндорлар оиласида тугилган, Куртубада, Искандарияда, Маккада, Шомда ва Богдодда тахсил олган ва хижратнинг 512 йилида 39 ёшида Магрибга (Марокашга) кайтганди. У билимни фарки-сарига карамай хаммадан – ахли суннати вал-жамоа уламоларидан ҳам, адашган окимлар алломаларидан ҳам, файласуфлардан ҳам ва бошқа турдаги одамлардан ҳам олаверган. У шунингдек, Абу Хамид Газзолийдан ҳам тахсил олган.

Тарихчи ибн Халдун у ҳақда шундай деб ёзганди: “Мухаммад ибн Тумирт ўз даврида илм уммонига айланди”. Мухаммад Магрибга кайтаётганида у Искандарияда тўхтаб, амри маъруф ва нахъий мункар бошлади ва у ўз даъватида жуда каттиккўллик билан турди. Одамлар аввалига сабр килдилар, бироқ кейин Тунисга кетаётган кемага ўтказиб, шаҳардан хайдадилар. У кемада ҳам тинч турмай одамларни харомдан кайтара бошлади:

у май ичишни такиклар хаммага Куръон ўқишни буюрди. Кемадаги аксарият денгизчилар жохил эдилар, уларга бунака даъват тўғри келмади ва Мухаммадни денгизга улоктириб юбордилар. У кема ортидан суза бошлади. Шунда кемадагилар хато килиб кўйганларини англадилар ва уни кемага кайтардилар, бироқ унга жим туришни шарт килиб кўйдилар. Кема манзилга етиб киргочка чиқиб олганидан сўнг у яна амри маъруфни бошлаб юборди ва бу ишга жидди-жаҳд ила кириши, тезлик билан ижобий натижаларга эришмоқчи бўлди. Бундай савдоларни Умар ибн Абулазининг ўгли ҳам бошидан кечирганди, у ҳам бир неча бор даъват килишга уриниб, ўша захотиёк натижа бўлишини кутганди.

Мухаммад ибн Тумирт бирмунча вақт ўтиб Абдулмўъмин ибн Алий исмлиқ кишини учратди. Бу одам илмга чанкок бўлиб, Мухаммад ибн Тумартга шогирд тушади ва ундан амри маъруф ва нахъий мункарга нисбатан каттиккўл ва кескин бўлишни ўрганади. Тез орада уларга яна беш киши кўшилди.

Шу вақтнинг ўзида муробийлар пойтахти Марокаш шаҳрида маъсият кенг таркалиб кетди. Кунлардан бир куни Ибн Тумирт Юсуф ибн Тишиннинг набираси бўлмиш маликани хижобсиз холда кўриқчилар билан кўриб колди. У шогирдларини тўплаб, уларга куйидагича харакатлар режасини таклиф этди: “Аввалига ноибни йўқ қиламиз, ундан кейин Али ибн Юсуф ибн Тишинни ағдарамиз ва ундан кейин бу заминда Шариат ахкомларини ўрнатамиз”. Субханаллохи! Тарих яна такрорланмоқда. Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда жохиллар харбий тўнтаришлар ва инкилоблар ёрдамида хокимиятни эгалламоқчи бўладилар ва мусулмонларнинг Аллохга нисбатан иймони заифлигини мутлақо кўрмайдилар.

Абдуллох ибн Ёсиннинг Жанубий Мавританиядаги ҳамда Мухаммад ибн Тумиртнинг даъватларига назар ташласангиз, уларнинг орасидаги фарқ нечоғлиқ улканлигини кўрасиз. Биринчиси Тавхидга чақирди, иккинчиси эса тўнтариш йўли билан хокимиятни эгалламоқчи бўлди ва унинг оқибати нақадар аянчли бўлди. Шундай килиб, Мухаммад ибн Тумиртнинг одамлари унинг раҳбарлиги остида галаён ва кўзголонларни бошладилар. Улар Ислом йўлларида эмас, балки хаворижлар йўлидан юрдилар. Али ибн Юсуф бундан хабардор бўлганида, уларни саройга чақиртириб мунозара уюштирди ва издиҳомга Марокашнинг барча катта алломаларни таклиф этди. Ушбу издиҳомда Мухаммад ибн Тумирт ҳамма уламоларни мот килди, ахир у Богдод ва бошқа мамлакатларда таълим олган, фалсафа, мантиқ, мунозара олиб бориш услублари бўйича билим олган, турли адашган тоифалар, шу жумладан, мунозараларда гарчи ҳақ бўлмасалар ҳам баҳсда голиб келадиган мўътазилийларга шогирд бўлганди. Мазкур мунозарада ўша пайтда бош кози лавозимидаги Малик ибн Ваҳиб ҳам иштирок этган ва у Алига Мухаммадни зиндонбанд қилишни ва унга қунига бир олтин динор сарфлашни тавсия қилди. Акс холда, деди у ибн Тумирт хокимиятни ағдаради ва Али ибн Юсуф бор давлатидан маҳрум бўлади. бироқ Али ибн Юсуф уни кўйиб юборади.

Мухаммад ибн Тумирт тоғли худудда жойлашган “Тайнул-Малал” кишлогига йўл олади ва ўша ерда даъват ишларини бошлаб юборади. Одамлар унга эргашадилар ва улар кейинчилик ўзларини “Жамоатул-Мувоххидин” (ёки “Давлат-Мувоххидин”) яъни, “яккахудолик давлати” деб атаб бошладилар. Ушбу гуруҳ ташкил топганидан кейин Мухаммад ибн Тумиртнинг ақидасидаги залолатлар намоён бўла бошлайди:

1. У ўзини (пайгамбарлар каби) гуноҳлардан фориғ деб айтади;
2. У муробийлар Аллохни махлукларга ўхшатадилар (аслида муробийларнинг ақидаси тўғри бўлган, унинг ўзи мўътазилийлар ҳамда уларга ўхшаш залолатдаги одамларнинг

акидасини олиб келди);

3. У Аллох Таолонинг сифатларини тасдиқлагани учун барча чодирчиларни куфрда айблади;

4. У муробитларнинг конини тўкиш халол деб эълон килди ва кўзголон кўтаришга буюрди ҳамда муробийларни ўлдирганларга Киёмат куни улкан мукофотлар берилиши кўшиб кўйди;

5. У шунингдек, ўзини Киёмат якинлигининг аломатларидан бири бўлмиш имом Махдий деб эълон килди.

Шундан сўнг муробийлар ва муваххидлар ўртасида 9 та жанг бўлиб ўтди, уларнинг еттитазида Мухаммад ибн Тумирт галаба қозонди.

518 йилда бўлиб ўтган жанглардан бирида Мухаммад ибн Тумирт ва унинг одамлари 15 минг чодирчини ўлдирдилар.

524 йилда Бухайра дея аталувчи жойда чодирчилар Мухаммад ибн Тумиртнинг 40 минг одамлари ўлдирдилар.

Шундай қилиб, 513 йилдан 540 йилгача мусулмонлардан 80 минг киши қирилди. 514 йилда ўзини муваххидлар давлати деб атайдиган давлат мисли қўрилмаган қудратга эга бўлди ва муробийлар давлати йўқ бўлди. 524 йилда вафот этган Мухаммад ибн Тумирт бу давлатнинг гурқираб яшнашини қўришга насиб қилмади. У ўзидан кейин шогирди Абдулмўмин ибн Алини қолдирди.

МУВАХХИДЛАР ДАВЛАТИ (542 – 643)

Мухаммад ибн Тумиртнинг вафотидан сўнг давлатни Абдулмўмин ибн Али бошқара бошлади. У жисмонан жуда бақувват, харбий юришларда мунтазам иштирок этарди. Имом Захабий уни таърифлаб қуйидагиларни айтгани: “У одил подшоҳ, яхши сиёсатчи, жуда фаол ва такводор эди. У Куръонни етти кунда хатм қиларди. У шойи либослардан хазар қиларди, (холбуки ўша давр шохлари учун бу одатий хол эди). У хар пайшанба куни рўза тутарди. Харбий юришларни қўлларди. У гўё давлат бошқаруви учун яратилгани”. Бирок у ўзига қарши чикканларни беаёв қиришни хуш қўрарди ва бу хислатни у Мухаммад ибн Тумиртдан мерос қилиб олгани. Бу ҳақда ибн Касир “Ал-Бидоа ван-нихоя” асарида ёзган, бошқа тарихчилар ҳам буни тасдиқлаганлар. Бирок Мухаммад ибн Тумиртдан сўнг Абдулмўмин ибн Али ҳеч қачон ибн Тумиртнинг залолатга йўғрилган таълимотини қўлламаган. Тарихчилар Абдулмўмин ибн Али ибн Тумиртнинг ёлгон таълимотини қалбан инкор этиб қелган бўлса ҳам ҳеч қачон уни қораламаган дейдилар. У бу ишни ўзига қарши галаёнлар бошланиб кетмаслиги сабабидан қилмаган, холос. 542 йилда Мария шаҳри қулади. Унга Ўртаер денгизидан хужум қилинди. Жангда минглаб мусулмонлар ҳалок бўлди, ўн тўрт минг муслима аёллар асирликка олинди. 543 йилда Тартуша ва Лабда шаҳарлари ҳам қўлдан бой берилди. Насронийларнинг Португалия давлати анча қенгайиб кетди. Насронийлар шунингдек, Тунисни забт этдилар.

Шундан сўнг Абдулмўмин ибн Али биринчи навбатда қўплаб мадрасаларни қурди, одамлар у ерда исломни ўрганиши мумкин эди. Чунки мамлакатда шу чоккача фақат

Мухаммад ибн Тумиртнинг залолатга тўла таълимоти таркатиларди.

Иккинчиси, у кўплаб масжидлар ва ихтисослашган таълим муассасаларини курди ва уларда сиёсатчи ва лашкарбошиларни тайёрлади. Унинг ўзи улардан имтихон олишда катнашарди. У шунингдек, денгиз жанглари урганиш учун Марокашда сунъий кўл барпо этди. У кўплаб курол-аслаха устахоналарини курди.

Андалуснинг катта алломаларидан бири Кодий ибн Арабий Маликий 543 йилда Шимолий Африкага Абдулмўмин ибн Алининг олдига келиб, унга байъат беради ва ёрдам сўрайди. Абдулмўмин ибн Али рози бўлиб лашкар тўплайди ва Гибралтарни кесиб ўтади. Шундай килиб у 545 йилгача йўкотилган худудларнинг аксариятини кайтариб олади.

552 йилда у Ал-Мария шахрини ўз назорати остига олади.

555 йилда Тунисни кайтаради ва Ливияни забт этади.

У давлатни кенгайтириш бўйича улкан режаларни тузади, бироқ кўккисдан вафот этиб, ўз ортида 22 ёшли ўгли Юсуф ибн Абдулмўминни колдиради. Юсуф бакувват ва яхши саркарда эди, бироқ отасига ўхшаб ҳеч кимга кулок солмас ва ўз билганича иш тутарди. Шу важдан у Португалиядаги газотларнинг бирида бир нечта хатога йўл қўйиб, дорул-харбда шахид бўлади.

Ундан кейин хокимият тизгини унинг ўгли Абу Юсуф Ёкуб Муваххидийга ўтди.

У 580 йилдан 595 йилгача хукмдорлик килди. Бу 15 йил “Давлатул-Муваххидин” учун олтин йиллар бўлди. У давлатни бошқара бошлаганида эндигина 25 ёшга кирганди. Ёкуб Абу Юсуф масжидда имомгарчилик килар, одил ва камтар, тарки дунёга мойил одам эди. У давлат худудида хамрнинг ёйилишига катъий кураш олиб борган, фалсафага оид китобларни куйдириб, мунозараларни бекор килиб, бефойда тортишувларга чек қўйганди. У олимларга пул таркатар, улар вақтларини фақат илмни кўпайтиришга сарфлашини талаб киларди. У Рибат (Риботул-Фатх) шахрини курди. Карздорларга карздан кутилишга ёрдам берди, мискинларга таом ва пул таркатди. У чиройли боглар қошида кўплаб касалхоналар курди. Курбонлик кунларидан бирида у мискинларга етмиш мингта кўй эхсон килди. Хар жума шахсан ўзи беморларни бориб йўқларди. У Мухаммад ибн Тумиртнинг акидасидаги хатолар хакида биринчи бўлиб гапира бошлади. Имом Захабий у ҳақда шундай деб айтганди: “У Куръонни ва кўплаб ҳадисларни ёддан билар, фикхни яхши англади, мохир нотик, кийиниши уламолар ва дарвешларга хос эди ва шу билан бирга у буюк султон эди”.

У тахтга ўтирганида бор-йўги 25 ёшда эди. Жангларда шахсан ўзи иштирок этар, тарихида Абу Юсуф Мансур Муваххидий номи остида колган.

585 йилда Балеар оролидаги “Бану Гания” кабиласи кўзголови бошланди. Исённи бостириш учун жуда катта куч кетди. Вазиятдан фойдаланган Португалия Гарбдан Ишбилия шахригача етиб келди ва мусулмонларга нисбатан сикувини бошлади.

Шу пайтда Абу Юсуф Ёкуб Мансур Муваххидий Кастилия билан 10 йил муддатга ярашув шартномасини тузди ва Португалияга карши уруш бошлади. У португалларни хайдаб чиқарганидан кейин Кастилия муваккат ярашув тўғрисидаги шартномани бузиб, химояси заиф қолаётган Шимолий Андалусга хужум килди. Ўша пайтда Кастилиянинг кироли Алфонсо VIII бўлиб, у мусулмонлар билан жангларнинг бирида ўлдирилган Алфонсо VI нинг набираси эди...

Шундан кейин 590 йилда у бутун Шимолий Африка бўйлаб сафарбарлик эълон килди хамда одамлар Кастилия киролининг нечоғлик разил эканини билиб қўйишлари учун Алфонсонинг мактубини чоп этди. Одамлар қўлларига килич ва найзаларини олиб, урушга тайёрлана бошладилар. Бундан етти йил олдин эса (583 йилда) Салохиддин

Аюбий шаркда салбчиларга какшаткич зарба бериб, уларни тор-мор этганди. Тасаввур килинг, шаркдаги улкан галабадан етти йил ўтиб мусулмонлар салбчиларга карши гарбда урушга тайёрлана бошладилар.

Мусулмонларнинг кастилияликларга карши урушга тайёргарлик кўриши учун бир йил вақт кетди. Ёкуб Мансур саркардалиги остида мусулмонлар армияси 591 йилда Гибралтар бўғозини кесиб ўтди ва Тулейтула жанубидаги калъага караб йўл олди. Шу йилнинг ўзида бу ерда тарихда “ал-Арак” номи билан колган жанг бўлиб ўтди. Бу жанг 591 хижрий йилнинг 9 шаъбон кунида бошланди. Ўша пайтда бу калъа Кастилия ва Андалус ўртасидаги чегарада жойлашганди. Алфонсо бу жангга Леон, Навар, Англия, Голландия, Германия ва бошқа мамлакатлардан ёрдам олиб 225 минг аскар тўплади. Франция уларга қурол етказиб турди. Ёкуб Мансур Муваххидий 200 минг аскар тўплади. Жанг олдида у кенгаш тўплаб, харакатлар режаси ва дорул-харбдаги стратегияни муҳокама қилиб олди. Бу стратегия Юсуф ибн Тишфин қўллаган услубга ўхшаш эди. Лашкарнинг ярмини ракиб рўпарасига қўйилди, бошқа ярмини тепаликлар ортида яширдилар. Бу жангда Абу Яхъё ибн Абу Хафс лашкарбоши бўлди, Кастилияга карши жанг қилгани чиккан андалусликларга эса Абу Абдуллох ибн Санадид бош бўлди. Жанг бошланганида насронийлар тепалик устида эдилар ва уларнинг баринчи зарбалари юкоридан пастга каратилгани учун мусулмон лашкарлари учун жуда огир кечди. Лашкарнинг биринчи қисми чекина бошлади.

Салбчиларнинг кейинги зарбаси лашкарнинг марказий қисмига тўғри келди ва бу жангда лашкарбоши Абу Яхъё ибн Абу Хафс халок бўлди. Алфонсо ўн минг лашкари билан жангга киришиб, марказга ташланди. Шу пайтда мусулмонлар душманни ўнг томондан айланиб ўтиб, салбчиларга хужум уюштирдилар. Ушбу хужум натижасида насронийлар чўчиб қолдилар. Жанг жуда узок вақт давом этди: чанг, пўлат қуроллар сурони ва мусулмонларнинг такбирларидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Ёкуб Мансур кастилияликларнинг кўркув тўла кўзларини кўриб, лашкарнинг колган қисмини ҳам жангга солди. Мусулмонлар Кастилия армиясини тор-мор этди. Тарихчиларнинг айтишича, бу жанг “Заллак” жангига ўхшаган, балки ундан ҳам ахамиятлироқ эди. Ушбу зафар хақидаги хабар бутун ислом оламига етиб борди ва қувончларнинг чеки йўқ эди.

Баъзи маълумотларга кўра, ушбу жангда насронийлардан 146 минг киши халок бўлди. Мавжуд фаразларнинг энг оз сонлисида 30 минг киши деб айтилган. Йигирма мингга яқин насроний асирга олинди, Ёкуб ал-Мансур улардан товон пули олмай қўйиб юборди. Ўлжалар беҳисоб эди, саккиз мингта от, юз мингта хачир, чодирларнинг саногига етиб бўлмасди. Ушбу жангдан сўнг у Ишбилияда минораси 200 метр баландликка етадиган масжид қурди. Минора хозиргача бор.

Ушбу жангдан кейин нима бўлди?

Сарагоса шаҳри яна мусулмонлар қўлига ўтди. Британия, Германия ва бошқа мамлакатлар Ёкуб Мансур Муваххидий билан дўстлашишни ихтиёр қилдилар. Кастилия билан 10 йил муддатли (595-605 й.й.) ярашув битими тузилди. Аммо Ёкуб Мансур бирмунча вақт ўтиб 40 ёшида вафот этади. Буюк саркарда Ёкуб Мансур ал-Муваххидий ўрнига унинг 18 ёшли ўгли Носир тахтга ўтиради.

У гарчи жасур ва кучли одам бўлганига карамай, отаси каби эмасди.

Ёкуб Мансурнинг ўлими кўп нарсаларни ўзгартириб юборди: Балеар оролидаги “Бану Гания” қабиласи яна исён қўтарди ва Носир бу исёнларни тўққиз йил давомида бостириб қолди.

Бу пайтда эса Алфонсо VIII мусулмонлардан интиком олмагунига кадар бирорта аёлга якинлашмайман, бирорта жониворга минмайман ва хочимни кўтармайман деб касам ичди. Алфонсо тўккиз йил давомида янги урушга тайёргарлик кўрди. Тинчлик сулхининг муддати тугашига бир йил колганда у шартномани бузиб, мусулмонлар устига кўшин солди, унинг юришида хатто рухонийлар (ва Рим Папасининг ўзи) хам иштирок этдилар. У бошқараётган лашкарнинг сони 200 минг кишидан иборат эди. Мусулмонлар эса бу пайтда заиф холатга тушиб колгандилар. Носир кандайдир йўл билан 500 минг кишилик кўшин тўплади (бошка ривоятларда айтилишича, 260 минг, лекин насронийларнинг сони хам анча камрок кўрсатилган). У лашкари билан Гибралтарни кесиб ўтди ва “ал-Икоб” деган жойга етиб келди. Ал-Икоб чиндан хам мусулмонлар учун жазо майдонига айланди (икоб – араб тилида жазога тортиш).

Мусулмонлар сони салбчиларга караганда кўп бўлганига карамай, нима учун маглуб бўлдилар?

1. Мусулмонлар дабдабали хаётга берилиб кетдилар;
2. Амрал-муслимин вазиридан бошка ҳеч кимга кулок солмас эди. Кўпчилик тарихчилар бу вазирни хоин деб хисоблайдилар;
3. “Бану Ганий” кабиласининг кўзголонларини бостириш учун жуда кўп куч кетди. Ушбу газот олдидан ва жанг пайтида содир бўлган воқеаларни тахлил килиб кўрайлик. Мусулмонлар Гибралтарни кесиб ўтиб биринчи галда Силбатра калъасини камал килишга бошладилар. Бу калъа жуда мустахам бўлиб, уни озчилик кўшин химоя кила оларди. Лашкарбоши ва саркардалар Носирга калъани колдириб, юришда давом этишни маслахат килдилар, чунки бу калъадан мусулмонларга тахдид йўк эди. Бирок амир уларга кулок солмади, балки калъани камал килишни давом этиш керак, дея маслахат солган вазирининг айтганини килди. Бунга жами саккиз ой вақт кетди, кўплаб мусулмонлар кахратон келган киш ва озик-овкат етишмаслиги вазидан халок бўлдилар. Насронийлар эса шу вақт давомида “Рабах” калъасини камалга олдилар. Бу калъанинг химояси бошида замонанинг энг кучли саркардаларидан бири Абул-Хажжож Юсуф ибн Кадис турарди. Узок вақт давом этган камалдан сўнг калъа деворлари тўкилай деганда у салбчилар билан сулх тузишга қарор килди. “Мен сизларга калъани барча озик-овкат ва қуроллари билан колдираман, аммо сиз бизга мусулмонлар армиясигача етиб олишимизга йўл берасиз”. Алфонсо VIII бу шартга рози бўлди бирок насронийлар унинг бу қароридан қаттиқ газабландилар ва эллик мингга якин салбчилар “биз бу ерга мусулмонларнинг конини тўккани келдик, уларнинг тирик қолишлари ва ўз лашкарларига кўшилишига розилик бергани учун келмаганмиз”, дея жанг майдонида хам қирмай Европага қайтиб кетдилар.

Юсуф ибн Кадис ўзининг унчалик қатта бўлмаган кўшини билан мусулмонлар армиясига келиб кўшилганида, ҳукмдорнинг вазири уни қатл этишга амр килди. Ажабки, Носир бунақанги ноҳўя маслахатга кўнди ва яхши лашкарбошини калъани насронийларга топширгани учун қатл килди, холбуки калъани топшириш энг яхши қарор эди.

Бу иккови – Носир ва унинг ярамас маслахатчиси гўё тарихни ўқимагангадилар: улар лашкарни икки қисмга бўлдилар ва биринчи қисмини биринчи зарбани қабул қиладиган кўшинга 160 минг кишидан иборат шимолий африкалик қўнгиллиларни қўйди, кўшиннинг иккинчи қисмига эса жангавор тайёргарчилиги бор жангчиларни қўйдилар. Юсуф ибн Кадиснинг қатл этилишидан ранжиган ва газабланган андалусликлар ҳукмдор биринчи қисмининг ўнг қанотига қўйди. Жанг бошланмай туриб шунча кўп хато ишлар. Ўта ачинарли тактика. Ўз амиридан ажраган андалусликларнинг қўнглидан нималар

кечаётганини жуда яхши билган холда, уларни олдинги сафга кўйдилар. Хўш, улар нима килдилар? Улар ўз саркардасини ўлдирган одамнинг кўл остида жанг килмаслик учун дорул-харбдан кочиб кетдилар. Носирнинг сўнгги хатоси аскарларининг кўплигига ишониши эди.

“Ал-Икоб” жангги нима билан тугади?

Насронийлар кўшиннинг биринчи кисмини тор-мор этиб, лашкар марказига хужум килди. Жангнинг биринчи куниёк 70 минг мусулмон шахид бўлди. Бирок хатолар шу билан тўхтамади. Оркага коча туриб у иккита калъани (Байаса ва Убадда) таянчсиз ва ёрдамсиз колдирди. Насронийлар Байасани камалга олиб, ундаги бирор жонни тирик колдирмадилар. Шундан кейин улар 13 кун давомида Убадда шахрини камалга олдилар. Улар мусулмонларга омонлик ваъда килдилар, сахар ахли уларга ишониб калъани топширганларида, салбчилар бирорта одамни колдирмай ўлдирдилар, 60 мингга якин мусулмон шахид кетди.

Носир хатто Ишбилияни хам ташлаб, Шимолий Африкага кочиб кетди, ўз саройига кириб олиб, ўрнига 10 ёшли ўглини колдирди. Ўзи бир йил ўтиб 34 ёшида вафот этди. “Ал-Икоб” жангидан сўнг кастилияликлар армиясида кандайдир дард пайдо бўлиб, насронийлар оркага кайтишга мажбур бўлдилар.

614 йилда “яккахудочилар давлати” кулади. Унинг ўрнига “Заната” кабиласининг суннийлар давлати пайдо бўлиб, тарихда “Давлатул-бану Марин” номи билан колди.

620 йилда Балеар ороллари кулади. 20 минг одам Арагон давлати жангчилари томонидан ўлдирилди.

625 йилда Андалуснинг Жануби-Шаркий кисмида Ибн Худ бошчилигидаги унчалик катта бўлмаган давлат пайдо бўлади.

633 йилда “бану Зайан” кабиласи Жазоир билан бирга “Давлатул-Муваххидиндан” ажралиб чиқади. Шу йили Андалуснинг пойтахти Куртуба кулади. Ўттиз мингга якин уйлар ховлилари билан ва яна уч мингта масжид салбчилар кўлига ўтиб кетади. Куртуба 500 йилдан зиёд вақт давомида Андалуснинг пойтахти бўлиб келганди.

Андалуснинг энг катта масжиди 633 хижрий йилнинг 23 Шаввал куни черковга айланди ва шу кунгача фаолият юритмокда.

636 йилда Валенсия кулади. Бу сахарни беш йил давомида камал килдилар. Калъа насронийлар кўлига ўтганидан кейин эллик минг мусулмон Шимолий Африкага кочди. Барча масжидлар черковга айлантирилди. Тунисдаги “Бану Хафс” кабиласи Валенсия ахлисига ёрдам бермокчи бўлди, бирок каттик каршилиқ туфайли уларнинг кўлидан ҳеч нарса келмади.

641 йилда Валенсия ёнидаги Бания шахри кўлдан кетди.

643 йилда Жайан шахри кулади.

Жануби-Гарбдаги Ашбалия ва Жануби-шарқдаги Гарнота сахарлари колди, холос. Кимдир “нима учун бунчалик кескин таназзул юз берди?” деб савол бериши мумкин. Бунгача ўнлаб йиллар олдин адолатсизлик қарор топганди:

1. Мухаммад ибн Тумирт даврида ёлгон мафкура ва ақидада катта хатолар кенг тарқалганди
2. Халқ орасида ўзаро низолар ва зиддиятлар мавжуд эди
3. Мухаммад ибн Тумиртнинг ва унинг ортидан эргашганларнинг хатолари. Улар ҳеч кимнинг гапига кулок солишмас, солишса хам ахмок ёки разил вазирларнинг йўриги билан юришарди.
4. Халқ бу ҳаёт ноз-неъматларига махлиё бўлиб колди, Парвардигорнинг олдига

кайтиш борлигини унутиб, корин гамида яшашни бошлади.

5. Муваххидийларнинг муробийлар билан адоват килиши.

Бирок шунга карамай, Ислом Андалус худудида яна 250 йил яшади.

АНДАЛУСНИНГ КУЛАШИ (643-906)

Олдинрок Андалус пойтахти ва бошка шаҳарларнинг кулагани ҳамда иккита шаҳар – Гарнота ва Ишбилиянинг колгани хакида айтиб ўтилганди (бу Андалус худудининг 25 фоизи). Жайан шаҳри кулаган 643 йилда Фернандо III Гарнота хокими Мухаммад Биринчи билан битим тузади. Ўшанда Гарнотани “Бану Ахмар”, яъни кизиллар сулоласи бошқараётган бўлади. Уларнинг кизил деб аталишига сулолага асос солган одамнинг сочи малла бўлган сабаб бўлган. “Бану Ахмар”нинг ота-боболари саҳоба Саъд ибн Убода Ал-Хазражий розиаллоху анхуга бориб такалади. Бирок аждодлар билан авлодлар орасидаги фарк ер билан осмон каби эди. Бу шартнома куйидагилар назарда тутилган:

1. Мухаммад Биринчи Кастилияга хар йили 150 минг динар хирож тўлаши шарт;
2. У давлатни Кастилия кироли номидан бошқаради;
3. Мусулмонларда Гарнотанинг гарбий кисмидаги калъаларни топширади;
4. Мухаммад Биринчи Кастилия киролига харбий ёрдам кўрсатишга мажбур;
5. Мухаммад Биринчи Кастилия кироли саройига унинг волийси сифатида келиши шарт.

Фернандо III биринчи урушини Ишбилия мусулмонларига карши бошлаб, Мухаммаддан харбий ёрдам сўрайди. Мухаммад ўзининг мусулмонлар лашкари билан насронийларга кўшилиб Ишбилияни бир йилу беш ой давомида камал килади. Ишбилия калъаси 646 хижрий йил Рамазон ойида кулади ва Фернандонинг кўлига ўтади, холбуки бу шаҳар Испаниянинг энг мустаҳкам калъаси эди.

Мусулмон диндошлар Ишбилия мусулмонлари устидан насроний кироли галаба козонишига ёрдам берадилар. Тўрт юз мингга якин одам калъани тарк этиб, кочишга мажбур бўлади.

Биргина Гарнота вилояти колади, бу давлат худудининг 15 фоизини ташкил этади, холос. Умуман олганда, вилоят уч кисмдан иборат эди: Мария, Гарнота ва Малага.

Аммо Фернандо нима учун Гарнота калъасини ишгол эта олмади?

1. Ахоли зичлиги жуда катта бўлган. Жуда кўп мусулмонлар шимолдан жанубга кочиб, шу калъада панох топган;
2. Бу калъанинг атрофини жуда кўп калъалар куршаб турган;
3. Уларга “бану Марин” давлати томонидан Гибралтар оркали ёрдам етиб турган.

Шундай килиб, Кастилия кироли бу калъани кўлга олиш макседида хар йили шу вилоятга юришлар килиб турган.

Хижрий 671 йилда Алфонсо X хукмдорлик килиб турган пайтда Андалусни мусулмонлардан тозалаш учун лашкар тайёрлай бошлади. Мухаммад Ахмар нима килишни билмай Шимолий Африкадан ёрдам сўрайди. Ўша пайтда “Бану Марин” бошида Ёкуб Мансур Мариний турганди. У ҳақда тарихчилар кўп яхши гапларни ёзиб колдирганлар: “У кундузлари соим (рўзадор) ва кечалари коим (намоз ўқир), Аллохни кўп

зикр килган, ожиз одамларга эхсон киладиган яхши одам эди. Ўз Парвардигори олдида шикастнафас, диндорларга жуда яхши муносабатда бўлган. У харом конни тўкишдан хазар киларди. У жуда сахий ва барча газотларда голиб эди. Унинг лашкари ҳеч қачон мағлубият аламини билмаган ва қачонки душман лашкарига рўбарў бўлса, доим зафар қозонган эди. У жуда мохир нотик бўлиб, сўзга чикканда ўз лашкарининг руhini кўтариб юборарди”.

У Мухаммад Ахмарнинг даъватига лаббай деб жавоб берди ва Гибралтардан ўтиб, кастилияликларни тор-мор этди. Бирок андалусликлар Шимолий Африкадан етиб келадиган бундай галабаларга кўникиб қолдилар. Чиндан ҳам бошка давлат ёрдамида галаба қозонадиган давлатнинг охири вой бўлар экан.

Мухаммад I хижратнинг 671 йилида вафот этади. Унинг ўрнига тахтни Мухаммад II (Мухаммад Факих) эгаллайди; у олим эди. Мухаммад I ўлиmidан сўнг қирол Алфонсо сулҳни бузиб, Гарнотага хужум қилади. Мухаммад Факих яна Ёкуб Мансур Маринийдан ёрдам сўрайди. Буюк саркарда беш минг аскар билан яна Гибралтарни қесиб ўтади. 674 йилда Куртубадан узок бўлмаган ерда жанг бўлиб ўтади. Мусулмонларнинг ўн минг жангчидан иборат қўшини насронийларнинг 90 минг кишилик қўшинига қарши туради. Насронийлар қўшинига саркарда Доннунио Диляро лашкарбошилиқ қилади.

Ёкуб Мансур Мариний жанг олдидан одатдагидек мавъиза қилиб, ўз жангчиларига шундай дея хитоб қилади. Унинг сўзлардан кейин одамлар йигладилар, бир-бирлари билан видолашиш учун жангдан олдин қучоқлашдилар.

Ушбу жангда мусулмонлар ажойиб галабага эришдилар, олти минг насроний ўлдирилди, уларнинг лашкарбошиси ҳам ўлдирилди, саккиз мингги асирга олинди. Шундан сўнг мусулмонлар лашкари икки қисмга бўлиниб кетди: Ибнул-Ахмар Жайанга қараб йўл олди, Ёкуб Мансур Ишбилия шахрини забт этишга киришди ва уларнинг иккови ҳам ўз мақсадларига эришдилар.

Ёкуб Мариний 677 йилда Куртуба шахрини ишғол этди ва Юсуф ибн Тишфин мисоли барча ўлжаларни андалусликларга қолдириб, ўзи Шимолий Африкага қайтди.

Мария шахрининг ҳокими вафот этиб, унинг ўрнига ўгли иктидорга қелди. У Ёкуб Мансурнинг мардонавор ҳаракатларига қойил қолди ва унга Мария шахрини топширди.

Ёкуб бу шахарда 3000 нафар мусулмон ва яна шунча жангчини Тариф шахрида Гарнотани ҳар эҳтимолга қарши қўллаш учун қолдирди.

Мухаммад Факих эса шундай сўзларни айтди: “Чиндан ҳам тарихда биз учун сабоқ бор.

Қачонлардир Мухаммад ибн Аббад Шимолий Африкадан ёрдам сўради ва Юсуф ибн Тишфин қелиб бутун Андалус устидан назорат ўрнатди. Энди бўлса мен Ёкуб Мансур Мариний мен билан ҳам худди шу ишни қилишдан қўрқаман”. Шундан кейин у Кастилия қиролининг олдига боради ва Тариф оролидан Ёкубни сиқиб чиқаришга ёрдам беришини сўрайди. Шундай улкан галабадан сўнг бир мусулмон ўзига ёрдам берган бошка мусулмонни сиқиб чиқариш учун насронийдан ёрдам сўраши ажабланарли эмасми?

Кастилия қироли флоти Тариф оролини бир томондан, Мухаммад Факих иккинчи томондан қуршаб олдилар. Бирок Ёкуб Мансур Мариний оролга 677 йилда қелиб, уларнинг икковини ҳам сиқиб чиқарди. Кастилияликлар қочиб қолдилар, Мухаммад ўзи ёлғиз қолиб, бир қошиқ қонидан қечилгани сўрай бошлади. Ёкуб уни авф этди ва тахтда қолдирди. Ёкуб Мансур Мариний нақадар буюқ қалб эгаси бўлганини қўринг...

Ана энди Андалуснинг қулаши сабаби аниқ бўлмоқда. 684 йилда Ёкуб Мансур насронийлар устидан навбатдаги галабасини қозонади. У Кастилия билин тинчлик сулҳини тузиб, уларга шарт қўяди. Қанака шарт деб ўйлайсиз? Албатта ҳаёлга қелган

биринчи нарса – бу жизъя тўлаш ҳамда бойлик ва ер худудларини талаб килишдир. Лекин Ёкуб Мариний насронийлар Куртуба, Ишбилия ва Тулейтула кутубхоналаридан ўлжа килиб олган китобларни кайтаришни талаб қилади ва насронийлар хакикатдан ҳам ўн минглаб китобларни кайтарадилар ва бу китоблар шу бугунги кунгача Шимолий Африканинг Марокашида сақланмоқда.

Ислоннинг буюк саркардаси 685 йилда вафот этади ва унинг ўрнига унинг ўгли Юсуф ибн Ёкуб тахтга ўтиради. Яна Мухаммад II унинг олдига кочиб ёрдам сўрайди ва эвазига Андалуснинг истаган худудларини беришни ваъда қилади. Юсуф яна Тариф оролини ҳамда “Жазиратул-Хадра” деган жойни танлайди. Мухаммад II яна васвасага тушиб қолиб яна Кастилия киролидан Юсуфни Тариф оролидан сиқиб чиқаришга ёрдам сўрайди. Чиндан ҳам кастилияликлар оролни қуршаб олиб, Тарифни эгаллаб оладилар, холбуки битимга кўра, улар оролни Мухаммадга беришлари керак эди, лекин табиийки, улар оролни ўзларига қолдилар. Шундан сўнг Гибралтар йўли мусулмонлар учун тўсилиб қолди ва Андалус Шимолий Африкадан бутунлай ажради.

Мухаммад II 701 йилда вафот этиб, унинг ўрнига Мухаммад III ўтиради. Тарихда у Мухаммад Аъмаш номи билан қолади. Унинг даврида мамлакатни амалда Мухаммад эмас, балки унинг вазири Абу Абдуллох ибн Хаким бошқарган. Вазир лашкар тўплаб, Марокашдаги Сабта шахрини эгаллаб олади ва “Бану Марин” қабиласидаги одам билан улар Юсуф ибн Ёкубга қарши исён кўтаришлари тўғрисида ёзишма олиб боради. Бу ўтакетган аҳмоқликнинг ўзгинаси эди. Шимолий Африкада катта галаёнлар бошланди ва бу ҳолат сўнгги ришталарни узди.

Салбчилар 709 йилда Гибралтарни қўлга олдилар ва бундан буён Андалусга ўтишнинг иложи қолмади. Умуман олганда, 709 йилдан 797 йилгача Гарнотада урушлар ва жанглар, зафар ва мағлубиятлар бўлди ва у қўлдан келганича собит туришда ҳаракат қилди. Бунга сабаб – Кастилия ва Арагон ўртасидаги зиддиятлар бўлиб, икки насроний кироликнинг Гарнота мусулмонлари билан иши бўлмади қолди.

Энди мусулмон Испаниянинг сўнгги 25 йиллик даврини кўрайлик. Ўша пайтда Гарнотага Мухаммад ибн Саъд Ахмар ҳукмдорлик қиларди, уни Голиб-биллахи (Аллохнинг нусрати ила галаба қозонувчи) деб атадилар, аммо бу қурук ном, ҳеч қандай вазни йўқ эди. Унинг Мухаммад ибн Абдуллох исми иниси бўлиб, икки ога-ини Гарнота ҳокимлиги учун ўзаро уруш бошлайдилар ва жангдан сўнг давлатни икки қисмга бўлишга келишиб оладилар. Шимолий қисм Мухаммад ибн Саъдга ва жанубий қисм Мухаммад ибн Абдуллохга ўтадиган бўлди.

Ва ниҳоят 874 йилда Кастилия ва Арагонни бирлаштирувчи воқеа содир бўлади: Арагон ҳукмдори Фернандо III Кастилия кироличаси Изабеллага уйланади. Улар битта давлатга бирлашадилар. Бу икки ёш тўйларини Гарнота мусулмонларининг сўнгги саройида ўтказишга қарор қилдилар. Бу вақтда эса Гарнотада қўшиқчилик, дабдабабозлик ва хамр ичиш кенг тарқалган бўлади... Гарнота ҳокими Мухаммад ибн Саъд (озод Ойша дея аталган) Ойша исми аёлга уйлانган бўлади. Бундан ташқари, унинг Сурайё исми насроний жорияси ҳам бўлиб, Мухаммад уни каттик севарди. Сурайё Мухаммадга Яхъё исми ўғил туғиб берган бўлиб, жория ўғлини Мухаммаддан сўнг валиахд бўлишини талаб қилади. Бирок қонуний рафика Ойшанинг ҳам ўғли бор бўлиб, унинг исми Мухаммад Сагийр (Кенжа) эди.

Мухаммад ибн Саъднинг насроний жорияга мухаббати шунчалик қучли эдики, у хатто хотини Ойшани ва ўғли Мухаммад ас-Сагийрни хибсга олиб, валиахдликка Яхъёни эълон қилади. Халқ бундан нороззи бўлиб саройга ҳужум қилади ва Ойшани ўғли Мухаммад

билан озод килади.

Шундан сўнг Мухаммад Сагийр отасига карши исён кўтаради ва максадига эришиб, тахтни эгаллайди. Отаси эса юртини ташлаб кочишга мажбур бўлади.

Бу воқеадан фойдаланган Фернандо III Андалуснинг шимолига хужум қилиб, Мухаммад Сагийрни асирга олади.

Йиллар ўтиб Мухаммад ибн Саъд кочиб бошпана сўраган укаси Гарнотани эгаллайди ва ўз назорати остига олади. Фернандога жияни Сагийрни товон пули эвазига қўйиб юборишни сўрайди. Бирок Фернандо товон пули олишдан бош тортади, чунки унинг тез орада ҳаётга татбиқ этадиган режаси бор эди. У Мухаммадга мурожаат қилиб, қуйидагиларни таклиф этади: “Сен Гарнота Шимолида хокимиятни қайта қўлга олишинг учун мусулмонлар орасида кўзголон кўтаришинг керак, мен шу пайтда Жанубга юриш қилиб, Малагани қуршаб оламан, ана ўшанда сен Гарнотани ўз назоратинг остига оласан”. Бу таклиф хийла эканлиги очик-равшан бўлишига карамай, Мухаммад кўнади. Уларнинг режаси муваффақиятли тарзда амалга оширилади. Кенжа Мухаммад Шимолий Гарнотани қўлга олади, Фернандо эса Малагани эгаллайди, унинг амакиси Жанубдан кочиб, ўзининг кичкина давлатини барпо этади. Режага кўра, Мухаммад Сагийр Малагани олиши керак эди, бирок Фернандо киска муддатга бу шаҳарда ўз кўшинини қолдиришини айтади ва шундан сўнг у сулх шартларини бузиб, Малагани ўз назоратига олади. Шундан кейин у “Аш” водийсидан Мухаммад Сагийрнинг амакисини хайдайди. У Тунисга қараб кочади. Гарнота эса энди ҳар тарафдан қуршаб олинади.

Хижратнинг 895 йилида салбчилар Гарнота атрофидаги экинзорларга ўт қўядилар ва Мухаммад Сагийрдан шаҳар қалитини топширишини талаб қилдилар. Ва ниҳоят, Мухаммад узок ўйлардан кейин салбчиларга қарши уруш қилиш кераклигини тушуниб этади. Бу вақтда эса Гарнота ичида халқ душманга қарши кўтарилади ва уларнинг бошида Мусо ибн Аби Гассон туради. Халқ етти ой давомида қаршилик кўрсатади ва салбчиларга жиддий талафотлар етказиб туради. Бу пайтда Фернандо ва унинг хотини Изабелла Мухаммадга нома йўллаб мусулмонлар учун манфаатли бўлган 70 дан зиёд таклифлар билан шаҳарни топшириш тўғрисидаги талабини қўйди. Мухаммад бу таклифни қабул қилиш кераклигини англаб, ўзининг иккита шартини қўйди:

1. Фернандо ва Изабелла барча шартларнинг бажарилиши, мисол учун, масжидлар дахлсиз қолиши, халқ амниятда бўлиши ва хоказолар бажарилиши тўғрисида онт ичадилар

2. Барча шартлар бажарилиши устидан қузатувчи тузилма бўлиши ва у фақат Рим Папасига бўйсунуши.

Улар бу шартларга қўндилар ва Мухаммад Андалусдаги сўнгги мусулмон шахри бўлиб қолаётган Гарнота шахрининг қалитини салбчиларга юборди. Шу вақтнинг ўзида Мусо ибн Гассон саройга кириб, мусулмонлар ҳукумати олдида нутқ сўзлади: “Ўзингизни ўзингиз алдаманг. Насронийлар ўз шартномасига амал қилади, деб ўйламанг. Уларнинг қиролини ишончли деб ҳисобламанг. Улардан қутаётганмиз ўлим – қўрқувларнинг энг қичигидир. Олдимизда талон-тарожлар, шахримизни вайрон қилишлар, масжидларимизни таҳқирлашлар, уйларимизни бузишлар бор. Улар аёлларимизни ва қизларимизни зўрлайдилар. Бизни дахшатли адолатсизликка, иркий камситишликка, камчи ва қишанларга рўбаро қилиб қўйишади. Олдимизда турмалар қолади. Бизни ўтда қуйдириб, қийноққа соладилар. Агар биз унинг йўлида жонимизни фидо қилмасак, мана шуларнинг ҳаммаси бизни қутиб турибди. Аллоҳга қасамки, мен бунақанги оқибатни кўрмайман”.

Шу гапларни айтиб бўлиб, уйига кайтди, курол-ярогини кийди, кўлига киличини олиб, отига минди ва ёлғиз ўзи испанларга карши хужумга ўтди. У ўн беш кишини ўлдириб, ўзи хам ўлади.

Шундан сўнг Мухаммад Сагийр Фернандо ва Изабеллага совгалар юбориб, шахарга киришига ижозат беради. Улар шахарга кириши билан биринчи килган ишлари – энг баланд иморатга кумуш хочни ўрнатадилар. Шу вақт ичида Мухаммад саройини тарк этган, энг баланд адир устига чикиб олиб, сўнгги бор ўз саройига хамда ўз шахрига ва саккиз юз йиллик давр орасидани ўтган тарихига кўз ташлаган эди. У ўзини тута олмай хўнграб йиглашга бошлайди, унинг кўз ёшлари соколларини хўл килиб кўйяди. Унинг ёнида онаси Ойша бўлиб, унинг йигисига кесатиб шундай дейди: “Ха, кўлингдаги подшоҳлик учун эркаклардай кураша олмай, энди хотинлардек йиглайвер!” Бу воқеа хижратнинг 897 йили Роббиул-Аввал ойининг 2-кунида содир бўлади (милодий 1492 йил 2 январь). Бу жой хозиргача бор. У ерга саёхатчилар келиб турадилар ва қачонлардир қудратли империя бўлган ерларни томоша қиладилар. Бу жойни хозир “арабларнинг сўнги нафаси” деб аташади.

Мухаммад Шимолий Африкага йўл олади, у ернинг ҳукмдори уни мусулмонларга хиёнат қилгани учун зиндонбанд этади. Аллох уни ва унинг оиласини шу тарзда таҳкирлаб қўйди.

Фернандо ва Изабелла 906 йилда фармон чиқариб, Худо уларни Испанияни ифлос мусулмонлардан тозалаш учун танлаганини эълон қилади. Бу фармонга кўра, мамлакат худудида мусулмонларнинг яшаши бутунлай тақиқланади. Аксарият мусулмонлар Шимолий Африкага қўчиб кетади. Бошқалари насронийликни қабул қилиб, Гарнотада қолади. Уларни қуйи табақадаги насронийлар деб атаб, таҳкирлашади. Шундан сўнг насронийлар инквизицияни жорий этадилар: кимда-ким майхўрлик қилмаса ёки жимодан сўнг гусл қилса ёки уйдан Куръон китоби топилса, уларни қийноққа солиб, зиндонбанд қилишар ва ўлдиришарди.

Бир неча юз йил ўтиб Наполеон қўшинлари Испанияга кириб келганида, улар ибодатхонага кириб, мусулмонларни қийноққа соладиган яширин хоналарни учратади. Аскарларнинг айримлари бу дахшатларни кўриб, хушларидан кетиб қоладилар, баъзилари қайт қилади. Ҳақиқатдан хам бу жуда дахшатли манзара эди.

Андалус қаби давлатнинг қулашига нима сабаб бўлди?

1. Одамлар бу дунё зеб-зийнатларига, дабдабабозликка хамда бошқа ҳаётий лаззатларга берилиб кетдилар. Натижада уларнинг зехнлари пасайиб, қалблари могорланиб кетди.

Ислом шоирларидан бири Андалус таназзулининг сабабини қуйидагича таърифлаганди: “Севишганлар энди ҳеч қачон Гарнота боғларида ох урмаслар ва энди ҳеч қачон раққосалар гўзал рақсларга тушмаслар...” Мусулмонлар бошлари билан шўнгиган гуноҳлар уммони Гарнота таназзулининг асл сабаби бўлиб қолди.

Бағдоддан мазкур қўшиқлар ва рақсларни олиб келган Зирёбни эсладингизми?!

2. Одамлар Аллох йўлида жанг қилишни унутдилар. Улар Унинг йўлида меҳнат ва

гайрат килишдан тўхтадилар.

3. Учинчи сабаб – катта ва кичик гунохлар уммонга айлангани.

4. Мусулмонларнинг таркоклиги

5. Душманлардан ёрдам сўраб мурожаат килиш

6. Мансабига нолайик ва катъиятсиз ҳукмдорлар

Шу билан бирга кайд этиш жизки, мусулмон ҳукмдорлар канчалик адолатсиз бўлмасинлар, уларга карши чикмаслик керак. Афсуски, бугунги кунда Якин Шарк мамлакатларида шундай ишлар содир бўлмокда.

7. Динни билмасдан жохил бўлиш

Чиндан ҳам, мусулмонларнинг бошига тушган кулфатлар уларнинг ўз динидан жохил бўлиб колишлари сабабидандир.

Буларнинг барчаси шундай буюк давлатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлган баъзи холатлардир.

Яна шуни унутмаслик керакки, ҳеч қачон умидни йўкотмаслик лозим.

Аллох доим Ўзининг динини янгилаб турадиган одамларни юбориб туради. Гўё ҳамма нарса йўқотиб бўлингандек холатларда ҳам Ислому туги баланд кўтарилган. Абдуррахмон Дохил, Абдуррахмон Носир, Юсуф ибн Тишин, Абу Бакр ибн Умар Лантуний, Ёкуб Мансур Муваххидий, Ёкуб Мансур Маринийни эсланг. Шунингдек, Аллохнинг динини янгилашга ўз хиссаларини кўшган Умар ибн Абдулазиз, Имом аш-Шофий, имом Ахмад ва бошка буюк шахсларни эслаш кифоя.

Бирок кимдир эътироз билдириши мумкин: Андалусия кулади ва сўнги ўн йилликлар давомида Аллохни динини янгилайдиган одам бўлмадику, деб. Бирок 857 хижрий йилда ажабланарли ишлар содир бўлди, ўшанда Ислому куёши Гарбда сўнган пайтда мусулмонлар Константинополни фатх этдилар ва Ислому куёши Шарқда чараклаб кетди. Усманийлар империяси даврида Европанинг Босния ва Герцоговина, Болгария, Венгрия каби мамлакатлари мусулмонлар ҳукмдорлиги остида бўлди.

Бирок Ислому нима учун Испания худудида ўз ниҳоясига етди? У ерда ҳозир мусулмонларнинг сони 100 минг кишига ҳам етмайди. Бу Американинг шаҳарларидан биридаги аҳоли сонидан ҳам оздир. Фаластин 200 йил давомида салбчилар назорати остида бўлган, лекин шунга карамай у ердаги асосий аҳоли мусулмонлардан иборат. Жазоир, Миср ва бошка мамлакатлар ҳам шунга мисол бўла олади: уларда ҳам зулму, урушлар бўлган, бирок мусулмонлар бу худудларда колдилар.

Испания амалиётда мусулмонларни ўлдириш ёки мамлакатдан кувиш тактикасини кўллади. Ислому тарихи давомида бунаканги ишлар ҳеч қачон бўлмаганди.